

ИЗНОМСИ



Юракдаги байроқ

Бизнинг авлод зиммасига шарафли вазифалар тушгани билангина эмас, балки тарихий воқеаларнинг иштирокчиси бўлгани билан ҳам ҳақли равишда фахрланиши мумкин. Ўзбекистон байрогининг таъсис этилиши шундай унутилмас воқеалардан бири ҳисобланади. 1991 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Референдум ўтказиш тўғрисидаги муҳим қонун билан бир қаторда, Ўзбекистон байрогининг ҳозирги нусхаси ҳам Депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланган эди. Байроқни бир неча нусхалари орасидан ҳозирги кўринишдаги Ўзбекистон байрогининг танлаб олиниши халқимизнинг орзу-ниятига тўла мос келади.

Оқлик — поклик. Оппок, тоза ниётлар билан яшаш, меҳнат қилиш, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида яшайдиган халққа ватан бўлган мамлакатнинг умри боқий бўлади. Осмон каби ложувардлик халқимиз табиатидаги бағрикенгликка ишора. Яшил ранг — кўклам, яшиллик, ёшлик ва бунёдкор жўшқинлик рамзи. Уларни туташтирувчи қизил чизиқлар эса ҳаётбахш қон томирлари каби байроғимиздаги барча тимсолларни бир-бирига

боғлайди ва уларга жон бағишлаб туради. Ҳиллол исломий қадриятларимизга ишора бўлса, унинг ёнидаги 12 юлдуз — йилнинг ўн икки ойини ва осмоннинг 12 буржини ифодаловчи ҳосиятли тимсоллардир.

Байроғимиз илк бор Президент девони ва бошқа ҳукумат бинолари узра ҳилпираганида қанчалар қувонганмиз.

1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистон байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси ёнида ҳилпираганида ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнгли байроқ қадар кўтарилган эди.

Алпинистларимиз дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестга байроғимизни қадаганларида Ўзбекистон шўхрати Эверест қадар юксалганини ҳис этдик. Ўзбекистон фарзандларининг галабаси шарафига Олимпиада шоҳсупаси узра ва жаҳоннинг энг обрўли ареналарида байроғимиз кўтарилганда кўнглимиз қанчалар гурур-ифтихорга тўлишини таърифлашга тил ожиз.

1991 йил 18 ноябрда тақдиримизга кириб келган Ўзбекистон байроғи қадримизни мустақиллик қадар баландга кўтарган бўлса, эндиликда Ўзбекистон фарзандлари озодлигимиз байроғини меҳнатлари ва жасоратлари билан шарафламоқдалар.

5-модга.
Ўзбекистон Республикаси
қонун билан тасдиқланган
ган ўз давлат рамзлари —
байроғи, герби ва
мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясидан

Саҳифаларда:

Қалбдан кўчган туйғулар

Худди “Мафтунингман” бадий фильмида акс эттирилганидек халқимиз орасида ноёб истеъдод ва қобилият эгалари кўплаб топилади. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, рағбатлантириш ва ўстиришга кўмаклашиш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати” унвони эгаларини аниқлаш мақсадида ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик-танлови ана шундай эзгу тадбирлардан бири бўлди.

3

Хайрлашув

Онамнинг айтишича, кишлоғимиз одамлари илгаридан, бойўғли сайраётганини эшитиб қолса, дарҳол қул селиб юборар экан. Шундай қилинса, бойўғли сайраб хабар қилган бало-қазо қулга қўшилиб кўкка совурилиб кетармиш...

4

Тўра Тўраевнинг ён дафтарида

Ўғлим Тўракул, мен ёшимни яшаб, ошимни ошаган одамман. Энди навбат сиз ёшларники. Биламан, эрта-индин сен ҳам мен каби биронта қорхона раҳбари бўласан. Бунга иқтидоринг ҳам, салоҳиятинг ҳам етади. Аммо раҳбарликнинг шундай ёзилмаган қонун-қондалари борки, унга қатъий амал қилган кишигина узокқа боради, обрў-эътибор қозонади. Умид қиламанки, ёзиб қолдираётган ушбу битикларимни ўнгу сўл қулоғингга қуйиб оласан.


9

Чагаев-Валуев жанги бўлади...ми?

Бугун бокс мухлислари учун ажойиб байрам. Ҳамюртимиз оғир вазли боксчи Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги жангини ўтказди. Унинг рақиби оғир вазнда собик жаҳон чемпиони Жон Руиз бўлади. Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида бўлиб ўтадиган жанг голиби жаҳоннинг энг кўли боксчиларидан бири, WBA таснифда жаҳон чемпиони, “рус гиганти” лакабини олган Николай Валуев билан жанг ўтказиш имкониятини қўлга киритади.

10

✓ Давра суҳбати



Жонли мулоқот

газетхонларни ва қаламкашларни бир-бирига яқинлаштирди

бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов тахририят ижодий ходимларининг айна кундаги фаолиятлари ва ижодий режалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, кейинги вақтда газета саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг замон талабига жавоб бериши, касаба уюшмалари ҳаётини кенг ва атрофлича ёритилишида журналистларнинг масъулияти оширилмоқда. Уларнинг ўз устларида ишлашларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Келгусида тахририят ходимларининг ўқувини ташкил этиш режалаштирилганлиги ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Бинобарин, газеталарнинг ўқимишлилигини ошириш ҳамда мазмунан бойитиш учун ҳали кўпгина ишлар амалга оширилиши лозим. Бунда, албатта, газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари ниҳоятда асқотиши мумкин.

Касаба уюшма фаоллари билан бўлиб ўтган давра суҳбати бундан яна бир қарра тасдиқдан ўтказди, десак айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шухрат Деҳқонов — Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши раиси:

— Газета саҳифаларида вилоятимиз ҳаёти, шу жумладан халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатётган педагоглар тўғрисида кўпгина мақолалар бериб борилмоқда. Бу албатта, бизни қувонтиради. Лекин тахририят ходимлари кўпроқ жойларга чиқиб, тармоқ ходимларининг ҳаётини муфассал ўрганишлари зарур. Шунингдек, тахририятта касаба уюшмалари ҳаётини яхши биладиган қаламкашларни жалб этиш зарур деб ўйлайман.

Озод Хушназаров — «Охангароншиффер» ҳиссдорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси:

— «Ишонч» газетаси ўз саҳифаларида меҳнат муҳофазаси масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Лекин, бу муҳим масалага қаламкашлар янада чуқурроқ ёндошишса, айна муддао бўларди. Чунки баъзи вақтларда корхонада техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя этилган бўлса-да, ходимнинг биргина ўйламай босган қадами туфайли бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бунда маъмуриятнинг нима айби бор? Менинг фикримча, айрим бахтсиз ҳодисаларга ходимнинг оилавий шароити ҳам сабаб бўлмоқда. Шу туфайли ҳам кўпгина корхоналарда руҳшунос лавозими жорий этилса, айна муддао бўларди. Бу мутахассис цех ва бўлим бошлиқлари тавсиясига биноан тегишли ходим билан мулоқотда бўлади. Унинг

хулосасига асосан айрим ходимлар ҳатто ишга қўйилмаслиги ҳам мумкин.

Шаҳноза Шоматова — Олмалик шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси:

— Шаҳримиздаги барча касалхоналар «Ишонч» газетасига ойна бўлишган. Чунки, мазкур нашр бизнинг маслаҳатчимиздир. Дастлаб бошланғич ташкилотга етакчилик қилган вақтларимда у менга устозлик вазифасини ўтаганди десам, муболага қилмаган бўламан. Жамоа шартномасини тузишдан бошлаб, «Хуқуқий маслаҳатхона» рўқни остида берилаётган барча мақолалар менинг фаолиятимда ниҳоятда асқотяпти.

Сурайё Одилова — Ўрта Чирчиқ туманидаги 26-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси:

— «Ишонч» ва «Ишонч — Доверие» газеталари зиё тарқатувчиларнинг ҳам сеvimли газетаси. У орқали республикамиздаги ва хоржидда рўй бераётган янгиликлар билан танишиб борамиз. Менинг тилагим — бундан буён ҳам халқ таълимига оид янгиликлар газета саҳифаларида ўз аксини топса.

Шухрат Қосимов — «СПЕНТЕКС» чет эл корхонасининг касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Газеталарда чет эл касаба уюшма ташкилотлари ҳаётига оид мақолалар тез-тез чоп этиб турилса деган фикрда эдим. Чунки илғор иш тахрирлари билан танишиш янада олға силжишимизда асқотиши шубҳасиз.

Шу билан бирга республика касаба уюшмалари тарихига оид мақолалар кутамиз. Уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Учрашув савол-жавобларга ниҳоятда бой бўлди. Унда Қибрай туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Э. Шораҳмедов, Ўрта Чирчиқ туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Илдор Сайфуллин, Қўйи Чирчиқ туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Ф. Есиркепова, савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма вилоят кенгаши бўлим мудири А. Султонов, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашининг Ангрэн шаҳридаги вакили Д. Исақулова ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбати қаламкашлар ва фаолларни бир-бирларига янада яқинлаштирди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири



МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Хоразм вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорлари асосида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича меҳнат жамоаларида иш берувчилар ва касаба уюшма органлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Бу юзасидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси М.Юсупов маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, кенгаш томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилди. 2005 йилда ва 2006 йилнинг ўтган даврида меҳнат жамоаларида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига жами 1 миллиард 150 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Бу ҳар бир ишчига ўртача 7837 сўмдан тўғри келади. Ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони камайишига эришилди.

Касаба уюшмалари фаоллари вилоят, республика миқёсида меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилаётган «Энг яхши жамоат назоратчиси» кўрик-танловларида иштирок этмоқдалар. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар оқибатида ногирон бўлган, боқувчисини йўқотган ходимларнинг оилалари манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилинмоқда. Шунингдек, айрим корхона, ташкилот, хўжаликларда маъмурият ва касаба уюшмаларининг беарволиги туфайли меҳнат муҳофазаси ишларига етарли эътибор берилмаяпти. Натижада 11 та бахтсиз ҳодиса рўй берган.

Маърузачи шу каби қатор муаммолар хусусида кенг тўхталиб, уларни бартараф қилиш юзасидан мулоҳазаларини билдирди.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА,
«Ишонч» муҳбири

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалар касаба уюшмаси кўмитаси фаолияти билан танишиш мақсадида бу ерга келганимда қизгин тайёргарлик устидан чиқдим.

— Халқаро талабалар куни муносабати билан университетимизнинг маданият саройида тадбир ўтказялдим. Дастур режасида бадий чиқишларгина эмас, балки 3 нафар талабага Марказий Кенгаш стипендияси бериш ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига биноан энг фаол, билимли ва зукко ёшларимизни рағбатлантириш, кам таъминланганларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериш ҳам кўзда тутилган, — дейди кўмита раиси Исомжон Ҳамроев.

Суҳбатимиз чоғида маълум бўлдики, талабалар касаба уюшмаси ҳар бир талабанинг ахволдан хабардор бўлиб, ҳар ойда факультетлар билан ҳамкорликда тузилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, ота-онасиз, оилали талабаларга моддий ёрдам берилаётган экан. Бундан ташқари, ишга жойлашиш истагида бўлганларга С.Раҳимов туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнат биржаларига мурожаат қилиб, кўмак кўрсатяпти.

Ёшларни фаолликка чорлаш, бугунги кун воқелигини тўғри баҳолай олиш ва миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялаш мақсадида «Мустақилликнинг 15 йиллиги», «Конституция ва ёшлар» мавзусида ижодий ишлар кўрик-танлови ҳам эълон қилинган.

Талабаларнинг спорт билан шугулланишига шароит яратиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини тарғиб қилишда кўмитанинг фаоллиги сезилмоқда. Яқинда Университет кубоги учун ўтказилган беллашув голиблари кўмита томонидан ҳам муносиб тақдирланди.

Талабалар байрами барчага аъло кайфият бахш этди. Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар келди. Дилмурод Қурбонов, Екатерина Скоробогатова ва Исмоил Омоновга махсус стипендиялар топширилди.

Мактуба МҮМИНОВА,
«Ишонч» муҳбири

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚҲЙИЛДИ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманида яшовчи М.Бердимуродовнинг уй-жой низоси хусусида ёзган аризаси Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодексининг 80-моддаси талаблари қўпол равишда бузилиб, фуқаро М.Бердимуродов уй-жойдан маҳрум қилинганлиги аниқланди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Самарқанд магистрал тизимлари бошқармаси бошлиғи А.Каримқуловга фуқаро М.Бердимуродовнинг уй-жойи қайтариб берилиши ва келгусида бундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Натижада Кармана-Навбахор тракти бошлиғи А.Боқиевга оғохлантириш берилиб, жорий йилнинг 25 сентябр куни фуқаро М.Бердимуродовнинг уй-жойи қайтариб берилди.

Х.ДАВРОНОВ,
Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси
катта маслаҳатчиси

Кўрик-танлов

Асрлар оша эътироф этилган ҳақиқат шуки, адабиёт, санъат ва миллий ҳунармандчиликка қизиқиш қон-қонимизга сингиб кетган. Оддий ишчи, деҳқон, савдогар ёки раҳбарми, гўзалликка ташна. Ҳудди "Мафтунингман" бадиий фильмида акс эттирилганидек халқимиз орасида ноёб истеъдод ва қобилият эгалари кўплаб топилди. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, рағбатлантириш ва ўстиришга кўмаклашиш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати" унвони эгаларини аниқлаш мақсадида ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танлови ана шундай эзгу тадбирлардан бири бўлди.

Кўрик-танлов томошабинларда том маънода чинакам маҳорат соҳибларини саралаш мезони сифатида таассурот қолдирди. Бу фахрли совринга номзодлар кўйи погоналардан муваффақият билан ўтиб, сўнгги босқичга етиб келишган. Улар адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик соҳасидаги турли йўналишлар бўйича ўзаро беллашдилар. Адабиёт бўйича 11 нафар, санъат йўналишида 7 нафар ҳамда бадиий ҳаваскорлик соҳасида 32 нафар иштирокчи Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати бўлишга талабгорлик қилишди.

Ҳар бирининг мухлислар эътиборига ҳавола этган ижод намуналарини ҳакамлар атрофлича баҳолашга ҳаракат қилишди. Адабиёт соҳасида шеърӣ ва насрий асарлари билан кўрик-танловда иштирок этган ижодкорларнинг бадиий маҳорат даражаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси эксперт гуруҳи томонидан аниқланди. Айтиш мумкинки, улар яратган адабий намуналарнинг бадиий савияси турлича бўлишдан қатъи назар, истеъдод чўғи ялт этиб кўзга ташланади. Ижод билан шуғулланиш нақадар улуг бахт эканлигини англашга кўмаклашади. Сабаби, қозога тўкилган туйғулар инсон қалбини тушуниш омили ҳисобланади. Ижодкор одам ёзиш, юракда ҳис этилган она юрт муҳаббати, ёр-дўстларига, яқинларига бўлган меҳри ва ички кечинмаларини ифода этиш орқали руҳан покланади ва бошқаларни ҳам эзгулик йўлига бошлайди. Сурхондарёлик таниқли шоир ва журналист Сафар Омонкулов шеърларида ана шу нафосат, гўзаллик барқ уриб туради. Адабий жамоатчиликка унинг номи яхши таниш. Соҳирқалб шоир кўп йиллардан буён сермахсул ижод қилиб келмоқда. Унинг тинимсиз ижодий изланишлари натижаси ўлароқ, асарлари бадиий мукамаллик ҳосил қилмоқда. Шу боис С.Омонкулов ном йўналишида Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлигига лойиқ топилди. Фарғоналик Нурхон Раимова ва сирдарёлик Дилфуза Абдуллаева қаламига мансуб насрий асарларда эса ёрқин бадиий бўёқлар яратиш маҳорати сезилади. Айни пайтда қаламкашларнинг раво услуби ва чуқур мушоҳада баёнлари ўқувчида қизиқиш уйғотади. Бу уларнинг ушбу йўналиш бўйича совриндор бўлишига омил бўлди.

Ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, халқ амалий ижодиёти ва сураткашлик намуналари санъат соҳасидаги номзодларни саралаш имконини берди. Шуниси аҳамиятликки, уларнинг кўпчилиги мутахассислиги жиҳатдан санъатга алоқаси



Қалбдан кўчган



Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари аниқланди

туйғулар

касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари, деб эълон қилинди.

Кўрик-танлов ғолибларига кўкрак нишони, лауреатлик дипломи ва пул мукофотлари топширилди. Ҳисобот сифатида улар иштирокида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида гала концерт намойиш этилди.

Катта кўтаринкилик билан бошланган кўрик-танлов бизга янги истеъдодларни тақдим этди. Бу, албатта, яхши. Аммо... Жойларда касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг уюшқоқлик

билан кўрсатган ташаббусини бағоят қадрлаган ҳолда баъзи ҳудудлардан вакилларнинг Республика босқичида кам ва паст савияда ёки мутлақо қатнашмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Мисол учун, Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах, Хоразм вилоятларидан биттадан иштирокчи қатнашган бўлса, Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятларидан бирорта ҳам номзод иштирок этмади. Кўриниб турибдики, юқорида саналган жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ЎзКУФК раёсати 1998 йил 13 ноябрда қабул қилган "Ўзбекистон касаба уюшмаларининг адабиёт, санъат, меҳнаткашларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида кўрик-танлови тўғрисида"ги қарорини бажаришда сусткашликка йўл қўйиб, кўрик-танлов ўтказишмаган. Бўлмаса, санъат гуллаб-

яшнаган Хоразмдек жойда битта ижрочи топилмабдими?!

Мазкур нуфузли тадбир халқимизнинг санъатсеварлиги, адабиётга ошнолигини яна бир қарра тасдиқдан ўтказди. Зеро, шу муқаддас заминга муҳаббат қўйган ҳар бир инсоннинг элга айтадиган сўзи, қуйлайдиган навоси, яратадиган гўзаллиги бўлади. Фақат бу туйғуни ардоқлаш, қўллаб-қувватлаш керак.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
"Ишонч" муҳбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

СЎЗ - ЛАУРЕАТЛАРГА

Шерзод ДАВРОНОВ (эстрада кўшиқчилиги йўналиши):

— Менда санъатга бўлган ҳавас ёшлигимдан уйғонган. Унинг шунчаки қизиқиш даражасида қолиб кетмаслиги учун бор кучимни ишга солиб ўз устимда муттасил меҳнат қилдим, ўқидим, ўргандим. Тинимсиз изланишлар ўз овозим ва йўлимни топишга имкон берди. Кўшиқларим санъат ихлосмандлари тилига тушиб, қатор муваффақиятларга эришдим. Бир неча халқаро фестивал ва танловлар ғолиби бўлдим.

Энг қувончлиси, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган ёш истеъдодларни қўллаб-қувватловчи "Нихол" мукофоти совриндори бўлдим. Ана шу ютуқлар қаторида бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати бўлишим мен учун янада фахрлидир. Боиси, Навоий тоғ-металлургия комбинатининг "Фарҳод" маданият саройида фаолият кўрсатиб, меҳнаткашлар орасида кўпроқ бўламан. Мен шу жамоанинг қўллаб-қувватлаши туфайли шу даражага етишдим, десам муболага эмас. Ўзимни шу жамоанинг ҳақиқий аъзоси деб биламан ва эришган муваффақиятимни уларнинг ҳам ютуғи ҳисоблайман.

Сафар ОМОНКУЛОВ (назм йўналиши):

— Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлигига муносиб топилганим қалбимда чексиз фахр-ифтихор уйғотди. Қаламкаш ижодий меҳнат кишиси саналади. Бу соҳанинг захмати бошқа меҳнат туридан сира қилишмайди. Бунга касаба уюшмаларининг эътибор қаратаётганлиги эса руҳимизни кўтарди, янада катта куч-ғайрат билан ижод қилишга ихлослантиради.

Шеърга илоҳий куч билан юзага келадиган ижод маҳсули сифатида қарайман. Чунки у кишилар юрагига яхшилик улашади. Қалбимда туғилган сатрларни қозога тушираётганда ўзимни ниҳоятда кучли сезаман. Бу қалбнинг она-Ватанга бўлган севги сармастлигидан бўлса ажабмас. Ушбу унвон элу юрт учун бундан-да кўп меҳнат қилиш иштиёқимни оширди.

Зухра РАЖАПОВА (сураткашлик йўналиши):

— Дунёда бизнинг юртимизчалик гўзалликка бурканган дийр бўлмаса керак. Унинг ҳусни-латофати, одамларнинг меҳрли юзи ҳаммиса мени ўзига мафтун этиб қолган. Сураткашликка ошувчигимнинг асосий сабаби ҳам шунда деб ўйлайман. Ҳар доим тугилиб яшаётган жойимнинг табияти, фасллари гўзаллигини, захматкаш инсонлари чеҳрасидаги илиқлик ифодасини фоторасмга кўчиришга интиламан. Маҳоратимни ошириш мақсадида юртимиздаги ва хорижлик фото усталарининг журналларда эълон қилинган ижодини кузатиб бораман. Лекин шу оддий ҳавас бир кун келиб касаба уюшмаларининг юксак унвони совриндорлигига эриштиради деб ўйламаганман. Бундан кўнглим қувончга тўлди. Ҳар бир инсон яхши ниятни дилига тутиб меҳнат қилса, унинг мевасини кўриши муқаррарлигига чин дилдан ишондим.



ри мукофоти лауреати" унвонининг Ф.Олимбоевга берилиши сабаби ҳам шунда. Зухра Ражапованинг маҳорат билан туширган фотосуратлари Сирдарё вилояти босқичида юқори баҳолашиб, кўрик-танловга тавсия этилган. У сураткашликни мустақил эгаллаганлардан. Лекин Зухра бу ҳунарни "хобби"га айлантириш билан чекланмади. Сураткашлик сирларини чуқур ўзлаштириб, етук даражага эришди. Унинг фото асарларида гоёт мураккаб ҳолатлар тасвирга усталик билан муҳрланганлигига гувоҳ бўламиз. Зухранинг ижоди катта эътирофга сазовор бўлиб, шарафли даражага муносиб топилди.



Бадиий ҳаваскорлик бўйича иштирокчиларнинг чиқишлари мухлислар томонидан катта концерт дастури сифатида қабул қилинди, десак муболага қилмаймиз. Улар анъанавий кўшиқчилик, эстрада, мақом ашулчилиги, миллий созандачилик, хореография ва вокал-чолғу ансамбллари йўналишларидаги ижролари билан мусиқа ва рақсни қай даражада севишини исботлашди. Айниқса, ўз овози билан мухлисларга танилиб улгурган Шерзод Давронов(Навоий вилояти)нинг эстрада йўналишида қуйлаган "Эгаси бор юрт" ва "Ўзбек деган ном" ашулалари, мақом йўлида Миनावархон Чаварова (Андижон вилояти) томонидан катта маҳорат билан ижро этилган "Самарқанд ушшоғи", "Калинушка" хор жамоаси(Тошкент шаҳри)нинг "Вьюн", "У маво ли то двора" номли рус халқ лапар ва кўшиқлари, вокал-чолғу ансамблларида "Джем" дастаси (Навоий вилояти) хошилар, раққоса Феруза Тожибоева ва "Қир гуллари" рақс дастаси (Фарғона вилояти) қизларининг гўзал уйинлари жозибадорлиги билан ажралиб турди. Улар ҳакамлар томонидан бир овоздан Ўзбекистон

Кеч куз. Ҳавода мезонлар учиб юрибди. Мактабнинг орқа тарафидаги боғда майда, ингичка барглари куз офтобиде олтиндек товланиб турган, шохлари айқаш-уйқаш бўлиб тарвақайлаб кетган кўш туп анор, гарчи мевалари териб олинган эса-да, беихтиёр киши эйтиборини тортади. Унинг ерга тўкилган барглари ҳам гоятда нафис бир манзара касб этган. Анор гирди бўйлаб юргинг, шохчаларидан ушлаб силкита-силкита барчаларини тўқинг келади. Лекин кўзинг қиймайди, наинки кўзинг қиймайди, гоҳида бу япроқлар абадий тўкилиб кетмаслигини истаб қоласан...

Кўнгилда мана шундай ҳислар ўйготувчи, дилларни яйратувчи гўзал куз кезлари эди. Пешинга яқин дарс тугади. Синфдошларимдан бири "Жарбулоққа дўлана ейишга бормаймизми?" — деб қолди. Жарбулоқ унча узоқ эмас, сойнинг юқори қисмига бориб, бир қир ошсак етамиз. Бу таклиф барчамизга маъқул тушди. Етгита синфдош бир бўлиб йўлга тушдик. Соининг бошида, шундоққина ҳаргана (қишлоқ одамлари наъматакни шундай дейишади)ли қирнинг бағрида синфдошим Холмаматларнинг уйи жойлашган. Холмаматларни келганимизда у уйига кириб тандирдан ҳозиргина узилган иккита нон олиб чиқди. Бироз юриб, сал тепароқдаги Оқ булоқ бўйига келдик. Булоқ бошида ҳаммамиз ўтирар эканмиз, иккала нонни ҳам бўлишиб олдик-да, тип-тиниқ булоқ сувига ботириб-ботириб еб, роҳатбахш сувдан тўйиб-тўйиб ичдик. Шундай қилиб қорин ғамидан қутилдик, энди яна йўлда давом этамиз. Бир-биримиз билан ҳазил-хузул қилиб қуллашамиз, қийқиришиб тепага, қирга қўтариламиз. Ҳадемай, Жарбулоққа ҳам етиб келдик. Жарбулоқ бўйидаги дўланалар фарқ пишиб ётибди, одамлар хуржун-хуржун териб кетгани билан ҳам адо бўлмаган, унинг шохлари орасида қўшлар бир-бирига навбат бермай сайрайди. Биз синфдошлар биринкетин дўланаларга тирмашиб чиқиб олдик. Бу дўланаларнинг илдизлари ерга чуқур кетган. Дўлана сувсизликка чидамли кўп йиллик дарахт, лекин унинг томирлари шундоққина пойида ер бағрини ёриб чиққан Жарбулоқнинг зилло сувидан қониб-қониб ичади. Шунинг учун ҳам мевалари тўқ ва катта-катта!

Ҳаммамиз дўланадан тўйғунимизча едик, ғуж-ғуж бўлиб турган шохларини эгиб, чўнтақларимизни ҳам тўлдирдик. Кайфиятимиз чоғ, маза қилиб юрибмиз. Кун қайтиб, кеч қира бошлаган бўлишига қарамай, икки гуруҳга бўлиндик-да, шундоқ қаршимизда тоғ ёнбағирларидаги тошлар орасида "уруш-уруш" ўйинини бошладик. Бу ўйинни қишлоқ болалари билан бу ерларга кўзи боқиб келганимизда ҳам ўйнардик. Уйин жуда ҳам мароқли эди. Қайси гуруҳ кўп "отиб ўлдирса", шу голиб ҳисобланарди, яъни "душмани"ни биринчи кўрган "та-та-тат" — дея овоз берарди, кейин кўриб қолгани эса ўз-ўзидан "ўларди". Бу ўйинни қишлоқда, томдан-томга беркиниб ҳам ўйнардик, лекин тоғдагиси бошқача-да!...

Нихоят куёш бутунлай уфққа бош қўйди, ҳали қоронғу тушишига эрта бўлса-да, атрофимиздаги қир-адирлар, тоғлар қорамтир тусга кирди. Уйин билан бўлиб кеч кирганини ҳам билмай қолибмиз. Уйинда иккига бўлинган бўлсак-да, уйга қайтишда бирлашдик ва чўнтақларимиздаги оч қизғиш дўланалардан битта-битта еганча қишлоққа жўнадик. Гоҳ тепаликка, гоҳ пастиликка чопамиз, қийқиришиб бир-биримиздан ўзиб кетамиз. Хиёл ўтмай қишлоққа ҳам етиб келдик. Ҳамма уй-уйига тарқалди.

Уйга яқинлашганимда қош қорая бошлаган эди. Ҳовли бурчагидаги даричани секингина очдим-да, ичкари кирдим. Бобом уйимиз айвонидан кун ботар томонга тик қараб, икки кўлини қулоқларида тутганича, шом намозига азон айтётган экан. Шартта рўпарамдаги қари тут панасига ўтиб, ғадир-будур танасига суяниб ўтирдим ва азонга қулоқ тутдим:

— Аллоху акбар, Аллоху акбар... Бунақа маҳалда тик туриб

бўлмайди, азон тугагунча ўтириб, тинглаш керак, бобом шундай деб ўргатган.

Бобом берилиб, чўзиб-чўзиб азон айтарди, унинг овози майин, ёқимли, қандайдир бир ҳазин бўлиб туюларди менга!

Ҳар гал бобом мана шу ерда туриб азон айтар, мен эса ундан оқароқ-да, айвондан даҳлизга қираверишдаги бўсага ёнида ўтириб, ўзгача бир сөхр, мароқ билан тингладим.

Бобом азон айтиб бўлгач, уйга кириб кетди, мен ҳам ўрним-

дан сакраб турдим-да, юра бошладим. Хаёлимда фақат бир нарса: онам уришади, "қаёқларда дайдиб юрибсан", — дея қувиб солади.

Ҳар гал кеч қолиб кетсам уйга кўрқиб-писиб кирардим. Ҳар сафар онам тутдан хивч синдириб оларди-да — "шунча ишни ташлаб, санкиганинг учун" дея роса калтақларди. Мен онамдан хафа бўлиб кетардим. Чунки мен тенгиларни қанча ўйнаса ҳам онаси урмасди-да!

Мен уй ишларига қарашардим, онам эса баҳорда қирқилган кўй жунларидан ип йигирарди...

Қўрқа-писа айвонга чиқиб, секингина даҳлиз эшигидан қираётган эдим, қутилмаганда бойўғли сайраб юборди, сесканиб кетдим, кўрқувим баттар ошди. Бойўғли уйимиз ёнбошидаги симёғоч тепасида ўтириб, узмай сайрарди. Бир хаёлим онамнинг одатини қилиб, унга кул селиб юбормоқчи ҳам бўлдим.

Уйга киришга юрагим дов бермай турган эди, ичкаридан онам чиқиб қолди. Мени кўри-ю, лекин ҳар галгидек уришиб кетмади, фақат "Қаерда юрибсан, кимникига борувдинг", — дея енгилгина сўраб қўйди. Мен Жарбулоққа борганимизни айтдим. Онам индамай кўя қолди-да, ўчоқ томонга юра бошлади, ортидан мен ҳам эргашдим. Ўчоқдаги совиган қулдан бир сиқим олди, иккаламиз ҳовлидан чиқиб, бойўғли сайраётган симёғоч тагига келдик. Онам: "Ишқилиб яхшиликка бўлсан-да" — дея кўлидаги кулни осмонга, бойўғли томонга селиб юборди. Бойўғли сайрашдан тўхтади, лекин жойидан қимирламади, ҳавода тўзғиб кетган кул чанглари онамнинг, менинг бошимизга қайтиб келиб қўнди...

Бойўғли ҳар сафар айна намоз-шом маҳали мана шу сим ёғочга келиб қўнар, онам эса эринмай унга кул сепарди. У сайраб-сайраб бироздан сўнг учиб кетарди.

Онамнинг айтишича, бойўғлининг сайраши бирор воқеа юз беришдан дарак эмиш. Бойўғли сайраса, шу кунлар ичида ё қувончли, ё кўнгилсиз бирор воқеа рўй бераркан. Бойўғлига кул селиб келар эканмиз, онам секингина тин олиб, гап бошлади:

— Бундан олти йил илгари эди, Исмоил акангнинг (у бизнинг кўшнимиз) ҳали қирқи ҳам чиқмаган боласи ярим тунда тўсатдан биғиллаб йиғлай бошлади. Бешиқни тебратса ҳам, ундан ечиб олса ҳам тинмабди. Тонгга яқин йиғиси пасайиб, бирданига ўлиб қолган экан. Бечоралар куйиб кетувди, ҳозир болалари бор, эсидан ҳам чиқариб юборгандир.

гимдан бақариб юбордим. Шаҳарга бориш иштиёқида ёна бошладим. Шаҳар менинг тасаввуримда ўзга бир олам эди, кўп эшитган бўлсам-да, эсимни танибманки, шаҳарга бормаганман. Баъзида, тоғда қўй боқиб қоронғу тушгунча ҳам қолиб кетардик. Тоғда қўйларни ҳайдаб борар эканмиз, узоқ-узоқлардан, қоронғулик қаъридан сон-саноксиз чироқлар "милт-милт" этиб кўринарди. Зимзиё тун оғушида чироқлари "милт-милт" этаётган ўша жойлар сирли бир олам бўлиб туюларди, ўзимизча "у ёқлар шаҳар бўлса керак", деб кўярдик. Мана энди шаҳарга боришим тайин бўлиб турибди. Қурбонтойнинг таклифига

Шокир почча айтганидек, шаҳар мардонлаб шаҳарга етиб келдик. Тонг отиши билан чинни бозорга йўл олдик. Шаҳарда одам кўп экан, кўчаларидан машиналар у ёқдан -бу ёққа гизиллаб чопарди. Мен теварак-атрофимга ҳайрат-ла боқаман...

Бозорга кириб келганимизда, қатор бўлиб тизилган дўконларнинг кўпи ёпиқ эди. Ҳаммамиз Самандар акага эргашиб, очиқ турган дўконлардан бирига кирдик. Самандар ака дўкон эгаси билан куюк сўрашди, Қурбонтойдан ташқари яна учта "клиент" олиб келганини айтди. Унинг бу "иши"-дан хурсанд бўлган дўкондор ҳам ўз навбатида тақаллуф қилди ва биз билан ҳам "яхшилаб" танишиб олди.

Шерикларим қатори мен ҳам шу дўкондан олган чойнак-пиёлаларни шаҳар марказидаги уйлارга сота бошладим. Бир ўрис кампир торгина ҳовлида ёлғиз яшаркан. Кечқурунлари тунаш учун унинг ҳовлисидан бир хонани ижарага олганмиз.

Ҳар куни тонг отиши билан кампирга ижарага ҳақини тўлаймиз-да, чойнак-пиёлага тўла, зилдай оғир сумкаларимизни кўтарганча чиқиб кетамиз. Самандар ака билан жиёни бир томонга кетса, Шокир почча, Қурбонтой учаламиз бир бўлиб бошқа томонга кетамиз...

Шу тариқа шаҳарда роппа-роса ўн кун юрдик. Мен мана шу ўн кун ичида кўп нарсаларни кўрдим. Биринчи кунлари чойнак-пиёла солинган сумканинг оғирлигидан қўлларим қабашиб, узилиб кетту-

д е к
бўлар
д и .
Сум-
кани
гоҳ у,
гоҳ бу
е л -
камга
осиб,
яғири
чиқиб
к е т -
гунча
ю р а -
в е р -



— Нега шу пайтгача айтмовдингиз?

— Айтадиган гапмас! — онам бироз жеркиброк деди.

— Шундан олдин, худди мана шунақа пайтда, бойўғли ўлгур сайраб-сайраб кетувди. У пайти бунинг ҳам тирик эди, ўша куни бойўғлига кул сепувди.

Онамнинг айтишича, қишлоғимиз одамлари илгаридан, бойўғли сайраётганини эшитиб қолса, дарҳол кул селиб юборар экан. Шундай қилинса, бойўғли сайраб хабар қилган бало-қазо қулга қўшилиб кўкка соврилиб кетармиш...

Онам иккаламиз бирин-кетин уйга кириб келдик. Отам кичкина укамни елкасига миңдириб ўйнатаётган экан, бобом нариги уйда намоз ўқияпти. Негадир отам ҳам уйга кеч келганим учун урушмади. Кўпинча онамга қўшилиб сиқувга оларди-да. Бундан бироз хурсанд бўлсам-да, сира тушунолмадим, ич-ичимда "улар мени нега урушмади?" деган ҳадик ва ҳайронлик бор эди. Индамай отамнинг ёнида ўтиравердим. Сал ўтмай онам менга қосада илиққина қатикли ош олиб келди. Ўзлари ичиб бўлган экан. Қатикли ошни симириб-симириб ичдим, овқатланиб бўлгач онам секингина гап бошлади:

— Бугун Кунсулув аммангнинг ўғли Қурбонтой келувди. Шаҳарга бориб келибди. Қишлоқлариданги Раззоқ махсумнинг катта ўғли бор-ку, унда-бунда бизнинг қишлоққа ҳам келиб, болалар билан жанжал қилиб юрарди, ўша олиб кетган экан. Шаҳарнинг бир чеккасида чинни бозор бор эмиш. Улар шу бозордан бир талай пахта гулли чойнак-пиёла олибди ва шаҳар оралаб сотибди. Ўн беш кун юриб, анча-мунча пул ишлаб келибди. Шунга "сени ҳам юрсин!" — деб келган экан, келишингдан сал олдинроқ кетувди.

— Бораманми?— хурсандли-

бошида онам кўнмаган экан. Кейин амманнинг "Тоғанга айт, отам ҳам бирга боради, дегин, Зиёдулла ўн-ўн беш кун мактабга бормаса ҳам бўлади, қайтанга пича пул топиб келади", деган гапини эшитиб рози бўлибди. Отам бундан тўрт-беш йил олдин, қишлоғимиздан анча олисдаги мармар тош қазиб олинадиган қонда механик бўлиб ишларди. Ўша кезларда қазиб олинган мармар тошларни маълум бир шаклда кесиб, тайёрлайдиган етанокларни бир-бир кўздан кечириб юрганида фалокат босиб, чап кўлини станок қисиб қолган ва бешала бармоғидан ҳам ажраган эди. Шу-шу қонда ишламайди. Яшашимиз ҳам бир нави. Шу боисми, отам ҳам "борса бора қолсин" дебди.

Эртаси куни уйимизга аммам билан Қурбонтой келди. Қурбонтой иккаламиз боққа оралаб кетдик, аммам эса уйда бобом, отам, онамлар билан гурунглашиб қолди.

Қурбонтой менга шаҳар таасуротларини-ю, чойнак-пиёла сотишда қўрган-кечирганларини айтиб берад экан, хаёлан у ёқларда юргандай бўлдим. Қурбонтой мендан бир ёшгина катта, у ўн тўртда бўлса, мен ўн уч ёшдаман. У аммам билан бизни кўп келарди, бирга ўйнардик. Энди эса шаҳарга, сотувчилик қилишга ҳам бирга кетадиган бўлдик...

Орадан икки кун ўтиб, Қурбонтой, отаси Шокир почча, Раззоқ махсумнинг ўғли Самандар ака ва унинг қайниқукаси кеч кириб қолганда бизни кўриб келди. Шокир почча ҳозир йўлга отлашимизни, катта йўл ёқасига қилиб автобусга ўтирсак, тонгга яқин шаҳарда бўлишимизни айтди. Нихоят йўлга отландик, мен уйимиздагилар билан хайрлашдим. Онам — бу егуликлар солинган сумкани қўлимга тутқазиб, дарвозагача кузатиб қўйди. Аста-секин уйимиз, жонажон қишлоғим ортда қола бошлади...

Хафталик TV дастури 20-26 ноябр

Душанба 20

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлилнома". 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 9.00 "Олам ва одам" дастури: "Табият тилсими". "Болалар сайёраси": 9.50 "Ака-ука Гримм эртақлари". Мульт-сериал. 10.10 ТВ анонс. 10.15 "Онлар мактаби". 10.35 "Одами эрсанг." 10.55 "Дунё иқлими". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Олтин бешик". 11.45 А. Кассона асари. "Етти фарёд". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 12.35 "Дил таронаси". 12.45 ТВ анонс. 12.50 "Етти фарёд". Спектакль. 2-қисм. 13.45 Олтин мерос. 13.55 "Дунё иқлими". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция". Хужжатли телесериал. 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Ватанпарвар". 16.15 "Қишлоқ ҳаёти". 16.35 ТВ анонс. "Болалар сайёраси": 16.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Равнак" студияси намойиш этади. 17.35 "Рангин дунё". 17.55 "Агар Сиз". 18.15 "Виждон". Телесериал. 19.00 "Альо Уйинчи", Телелотерея.

19.15 "Оҳанглр оғушида". 19.20 "Дунё иқлими". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари". Телесериал премьераси. 20.50 "Дунё иқлими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки." 22.00 "Сарой жаҳожири". Телесериал. 23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз берш). 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Акула йиртқичи ёки беозор?" 23.45-23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

17.55 Дастур очилиши. 18.00 Ракурс. 18.15 UzEX. 18.25 Юртим юраги. 18.30 "Қамолот" курултойи олдидан. 18.35 Дилрабо. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 ДАВР. 19.30 Наво-SMS. 19.40 "Шимол тафти". Сериал. 20.10 Спорт-лото. 20.15 Радиодан курсатамиз. 20.35 UzEX. 20.40 Наво-SMS. 20.55 Эълонлар. 21.05 Омон бўлинг! 21.10 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 22.00 ДАВР. 22.30 "YOSHLAR"ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ. 00.00 - 00.05 Тафаккур нури.

TOSHKENT

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм: "К?к сич?онча ва хум-бош мушукнинг саргузаштлари".

18.10 "Телекурьер - маркет". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 18.45 "Анонс". 18.50 "Гадалуле". Телесериал. 19.30 "Муси?а SMS". 19.50 2006-йил -?омийлар ва шифокорлар йили. "Саломат б?линг"/рус/. 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 20.15 "Анонс". 20.20 "Эрудит"/рус/. 20.35 ?айвонот дунёси: "Анаконда қароргоҳи". 2-?исм. /рус/. 21.00 "Интервью"/рус/. 21.10 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 21.45 "Анонс". 21.50 "Телекурьер - маркет". 22.10 "Аёл ?алби". 22.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 22.45 "Анонс". 22.50 Кино: "Очиқ денгиз"/рус/. 00.05 - 00.10 Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

Телетомошибинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 20 ноябр. куни "Sport" телеканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.

18.00 "Болалар спорти". 18.30 "Хабарлар" (рус. тилида) 18.50 "Ким нимага қодир?" 19.10 "Мени кутти". 20.00 "Вести". 20.20 "Тет-а-тет". 20.30 "Азазель". Сериал. 21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида) 21.50 "Футбол шарқи". 22.10 "Проф-РИНГ". 23.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости 9.05 "Малахов+" 10.00 "Агент национальной безопасности". Многосерийный фильм 11.00 "Сестры по крови". Многосерийный фильм 12.00 Новости 12.30 "Лолита. Без комплексов" 13.25 "Детективы" 14.00 Другие новости 14.25 "Контрольная закупка" 15.00 Новости (с субтитрами) 15.15 Криминальная Россия. «Любители искусства»

15.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм 16.55 «Федеральный судья» 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.20 «Пять минут до метро». Многосерийный фильм 19.10 «Жди меня» 20.00 «Сестры по крови». Многосерийный фильм 21.00 Время 21.30 «За все тебя благодарю». Многосерийный фильм 23.25 «Все иметь и все бросить» 0.30 Ночные новости 0.40 Теория вероятности. «Облестители» 1.30 Комедия «Тайны Косби» 3.00 Время 3.30 Комедия «Тайны Косби». Продолжение 3.40 Сериал «Мертвая зона»

РОССИЯ

05.00 "Доброе утро, Россия!" 08.45 Д/ф «Ты - феномен! За гранью возможного». 09.45 «Вести. Дежурная часть». 10.00 Т/с «Всегда говори «всегда». 11.00 «Вести». 11.30 «Местное время. Вести - Москва». 11.50 Т/с «Всегда говори «всегда». 12.50 «Частная жизнь». 13.45 «Вести. Дежурная часть». 14.00 «Вести». 14.20 «Местное время. Вести - Москва». 14.40 Х/ф «Рассмешить Бога». 16.40 «Вести. Дежурная часть». 17.00 «Вести». 17.20 «Местное время. Вести - Московская область». 17.40 Т/с «Обреченная стать звездой». 18.40 Т/с «Волчица». 19.40 «Вести. Дежурная часть». 20.00 «Вести». 20.45 «Местное время. Вести - Москва». 21.05 «Спокойной ночи, малыши!» 21.15 Т/с «Всегда говори «всегда». 23.15 «Городок». 00.15 «Вести +». 00.35 «Честный детектив». 01.05 «Съемки». 01.40 «Дорожный патруль». 01.55 Х/ф «Зубастики 3: Леонардо спасает мир». (США). 03.20 Канал «Евроньюс». 04.45 «Вести. Дежурная часть».

НТВ

06.00 «Сегодня утром». 09.00 «Следствие вели...» 09.00 «Сегодня».

10.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю». 10.55 «Кулинарный поединок». 11.55 «Квартирный вопрос». 13.00 «Сегодня». 13.25 Т/с «Сыщики 3». 15.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 16.00 «Сегодня». 16.25 Т/с «Опера. Хроники убойного отдела». 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 19.00 «Сегодня». 19.45 Т/с «Врачебная тайна». 20.50 Т/с «Молодые и злые». 21.50 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 22.00 «Сегодня». 22.40 Т/с «Казус Кукоцкого». 01.40 Х/ф «Смертельный друг». (США). 03.30 «Совершенно секретно. Информация к размышлению». 04.15 Т/с «Вероника Марс 2». (США). 04.55 Т/с «Любовь вдовца 2». (США). 05.40 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».

ТВ-3

08.00 Победоносный голос. 08.30 Про Кино. 09.00 М/ф «Фантастическая четверка». 09.30 М/ф «Черепашки ниндзя». 10.00 Про Кино. 10.30 Т/с «Комната смеха». 11.00 Х/ф «Космический лагерь». (США). 13.00 Х/ф «В сердце огня». (США). 15.00 Про Кино. 15.30 Т/с «Комната смеха». 16.00 Х/ф «Маленькие герои». (США). 17.45 Х/ф «Серая сова». (США - Канада). 20.30 Киномания. 21.00 Х/ф «Смертельный выстрел». (США). 23.00 Х/ф «Взрыватель». (США). 01.00 Т/с «Клиент всегда мертв», 6 с. 02.00 Т/с «Семь дней до смерти». (Германия - США). 04.00 Т/с «Клиент всегда мертв», 6 с. 05.00 Т/с «Числа», 27 с. 06.00 Т/с «Семья Сопрано» в правильном переводе Гоблина, 33 с. 07.00 Муз.Релакс.

СТС

08.00 М/с «Полиция будущего». 08.45 М/ф «Лев и заяц». 08.55 М/с «Смешарики». 09.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей». 09.30 Т/с «Моя прекрасная няня».

Сешанба 21

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45 "Олам ва одам" дастури: "Акула йиртқичи ёки беозор?" "Болалар сайёраси": 9.10 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобаҳа. 2. "Ака-ука Гримм эртақлари". Мульт-сериал. 10.15 "Остонаси тиллодан". 10.35 "Агар Сиз." 10.55 "Дунё иқлими". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Телесериал. 11.55 "Дил таронаси". 12.00 "Ахборот" (инглиз тилида). 12.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Еввойи табият тилсими". "O'zbektelefilm". 12.25 "Рангин дунё". 12.45 "Сарой жаҳожири". Телесериал. 13.50 Олтин мерос. 13.55 "Дунё иқлими". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция". Хужжатли телесериал. 15.05 "Ватан ҳақида қўшиқлар". 15.15 "Интеллектуал ринг". 16.00 "Бир ўлка-ки." "Болалар сайёраси": 16.20 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 16.40 "Ақл ва идрок". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Эски альбом. 17.20 ИИВ хабарлари. 17.35 "Оҳанглр оғушида". 17.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан. "Ҳабтимиз қомуси". 18.00 "Умр мазмуни". 18.20 "Виждон". Телесериал. 19.05 "Сизнинг адвокатингиз". 19.10 "Банк ва мижоз". 19.20 "Дунё иқлими". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари". Телесериал. 20.50 "Дунё иқлими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Қишлоқ ҳаёти". 22.00 "Сарой жаҳожири". Телесериал. 23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз

берш) 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Маржон қоялар". 23.45-23.55 Тунги наволар.

YOSHLAR

3.55 Дастур очилиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 8.40 Қадимий қўшиқлар. Лапар. 9.55, 21.05 Омон бўлинг! 10.00 Давр. 10.15 Тафаккур нури. 10.20 "Муҳаббат қаҳваси". Сериал. 12.00 ЯНГИ КҮН. 13.00 Давр. 13.15 Япония: руҳият ва макон. 14.00 "Шимол тафти". Сериал. 14.30 Интерфутбол. 16.00 Давр. 16.15 Ёшлик наволари. 16.30 "Сохрили тош". Сериал. 17.00 Даврнинг боласи. 17.10 "Селестин". Мультсериал. 17.20 Эврика. 17.35 Болалар табассуми. 17.40 Истикбол тилсоллари. 17.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: "Комусим - номусим!" 17.55 Тафаккур нури. 18.00 "Саломея". Сериал. 18.30 "Қамолот" курултойи олдидан. 18.35 Дилрабо. 18.45 Давр-репортаж. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 ДАВР. 19.30 Наво-SMS. 19.40 "Шимол тафти". Сериал. 20.10 "ЖОКЕР" телелотереяси. 20.15 CINEMANIYA. 20.45 ТВ-дорихона. 20.55 Эълонлар. 21.10 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 22.00 ДАВР. 22.30 Дилрабо. 22.45 "Саломея". Сериал. 23.20 - 23.25 Тафаккур нури.

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнгличлар информацион муси?ий дастур. 8.30 "Анонс". 8.35 "Гадалуле". Телесериал. 9.15 "Телекурьер-маркет". 9.30 "Аёл ?алби". 9.50 "Анонс". 9.55 Муси?а SMS. 10.15 "Саломат б?линг"/рус/.

10.25 "Туризм ҳа?ида"/рус/. 10.55 "Интервью"/рус/. 11.05 "Анонс". 11.10 "Эрудит"/рус/. 11.25 - 12.40 Кино: "Очиқ денгиз"/рус/. *** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм: "К?к сич?онча ва хум-бош мушукнинг саргузаштлари". 18.10 "Телекурьер-маркет". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 18.45 "Анонс". 18.50 "Гадалуле". Телесериал. 19.30 Муси?а SMS. 19.50 "Ҳимоя". 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 20.15 "Анонс". 20.20 "Эрудит" (рус) 20.35 ?айвонот дунёси: "Тасман иблиси". 1 - ?исм. /рус/. 21.00 "Репортаж". 21.10 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 21.45 "Анонс". 21.50 "Телекурьер-маркет". 22.10 "Саломат б?линг"/рус/. 22.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус) 22.45 "Анонс". 22.50 Кино: "Тезлик ишти?ида"/рус/. 00.15 - 00.20 Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.00 "Бардам бўлинг". 8.00 "Хабарлар" (рус. тилида) 8.20 "Болалар спорти". 8.35 "Ҳайвонот олами". 9.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида) 9.20 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги. 9.50 "Детективлар". 10.20-10.45 "Табиатунос саёхати". *** 15.00 Футбол. Уртоқлик учрашуви. Ўзбекистон-Эстония терма жамоалари. Турридан-тўри олиб кўрсатилади. (Танафусда "Спорт-клуб") 15.00 "Муйловли зағат". Бадий фильм. 16.00 "Болалар спорти". 18.15 Мультсериал. 18.30 "Хабарлар" (рус тилида) 18.40 "Тилпи билан олам бўйлаб". 19.15 "Ўз-ўзинга рақибсёр". 20.00 "Вести". 20.20 "Азазель". Сериал. 21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида) 21.50 "Спорт-менег ҳаётим". 22.05 Чампионат лигаси кундалиги. 22.35 "Баҳодирлар йўлини". 23.00 "Клон". Бадий фильм. 00.45 Футбол. Чампионат лигаси. "Арсенал"-"Гамбург". Турридан-тўри олиб кўрсатилади. 02.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости

9.05 "Малахов+" 10.05 "Агент национальной безопасности". Многосерийный фильм 11.00 "Сестры по крови". Многосерийный фильм 12.00 Новости 12.30 "Лолита. Без комплексов" 13.25 "Детективы" 14.00 Другие новости 14.25 "Контрольная закупка" 15.00 Новости (с субтитрами) 15.15 Вне закона. «Сожженная любовь» 15.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм 16.55 «Федеральный судья» 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.20 «Пять минут до метро». Многосерийный фильм 19.10 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым 20.00 «Сестры по крови». Многосерийный фильм 21.00 Время 21.30 «За все тебя благодарю». Многосерийный фильм 23.25 Спецрасследование. «Ярмарка фальшивок» 0.30 Ночные новости 0.40 Искатели. «Один день с черным археологом» 1.30 Ударная сила. «Энергия взрыва» 2.20 Триллер «На самом дне» (2001 год) 3.00 Время 3.30 Триллер «На самом дне». Продолжение

РОССИЯ

05.00 "Доброе утро, Россия!" 08.45 Д/ф «Ты-104. Последние слова летчика Кузнецова». 09.45 «Вести. Дежурная часть». 10.00 Т/с «Всегда говори «всегда». 11.00 «Вести». 11.30 «Местное время. Вести - Москва». 11.50 Т/с «Всегда говори «всегда». 12.50 «Частная жизнь». 13.45 «Вести. Дежурная часть». 14.00 «Вести». 14.20 «Местное время. Вести - Москва». 14.40 «Суд идет». 16.00 «Кулагин и партнеры». 16.40 «Вести. Дежурная часть». 17.00 «Вести». 17.20 «Местное время. Вести - Московская область». 17.40 Т/с «Обреченная стать звездой». 18.40 Т/с «Волчица». 19.40 «Вести. Дежурная часть». 20.00 «Вести». 20.45 «Местное время. Вести - Москва». 21.05 «Спокойной ночи, малыши!» 21.15 Т/с «Всегда говори «всегда». 23.15 «Юродивые». 00.15 «Вести +». 00.35 Х/ф «Лучший друг». (США). 02.35 «Дорожный патруль». 02.55 Т/с «Закон и порядок». (США). 03.40 Т/с «Доктор Вегас». (США).

08.00 Х/ф "Дети на острове сокровищ 3. Тайна". 09.25 М/ф "Русалочка". 09.55 М/с "Пиннокио". 10.20 М/с "Смешарики". 10.30 М/с "Патти Длинныйюлок". 11.00 Улица Сезам. 11.30 М/с "Язон и герои Олимпа". 12.00 М/ф "Том и Джерри". 12.15 Х/ф "Звезда экрана". 14.00 Жизнь прекрасна. 16.00 Смотрите это немедленно. 17.00 Д/с "Секреты любви. Мышление мужчин и женщин". 18.00 Истории в деталях. 18.30 Т/с "Все смешалось в доме...". 23.00 Х/ф "Кадет Келли". 01.00 Х/ф "Карманье дельни". 03.15 Х/ф "На гребне волны". 05.20 Х/ф "Буффало-66". 07.05 Т/с "Действуй, крошечка".

ДТВ, VIASAT

09.00 Т/с "Напрети извилины". 09.25 Т/с "Напрети извилины". 09.55 Дня мильх драм. 10.25 М/ф. 10.45 М/ф. 11.20 М/ф. 11.45 М/ф. 12.20 Х/ф "Побег из замка Колдифц". 14.25 Д/с "Как ухитрили кумиры В. Ворошилова". 15.30 Ток-шоу "Явыкити". 16.25 Х/ф "Возврат". 18.30 Самое смешное видео. 19.00 Смешная реклама. 19.30 "Этот безумный мир". 20.00 Шоу российских рекордов. 21.00 Фабрика смея. 22.00 Х/ф "Нето". 00.00 Т/с "C.S.I. Место преступления Лас-Вегас". 00.55 Т/с "C.S.I. Место преступления Лас-Вегас". 02.00 Шоу рекордов Гиннеса. 03.00 Х/ф "Кодер". 04.45 Ночной клуб. 05.45 Д/с "Как ухитрили кумиры В. Ворошилова". 06.30 Т/с "Напрети извилины". 06.55 Т/с "Напрети извилины". 07.15 В засаде. 07.30 Музыка.

30-канал

Душанба 20

16.55 - гага профилактика ишгари 16.55 - Открытие программы 17.00 - "Теле-экспромт", (повтор) 17.30 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм 18.30 - НТТ - "Клип" 18.40 - НТТ - "Истиклол - Тв" 18.50 - НТТ - "Киноконцерт" 19.00 - "Ошикона", мусикий дастури 19.40 - "Теле-Хамкор" - фойдали газета 20.00 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - Феруза Жуманнизова куйгайди 21.35 - НТТ - "Кизилкум Тв" 21.40 - "Теле-хамкор" фойдали газета 21.55 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 22.25 - НТТ - "Бадий фильм"

Сешанба 21

12.00 - Открытие программы 12.05 - "Теле-хамкор" 12.25 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 13.25 - "Мультифильм" 13.40 - "Музыкальный табасум", музыкальная передача 14.00 - "Художественный фильм - "Гениальные младенцы", фантастика 15.30 - "30 кадр" - развлекательная передача

14.00 - Художественный фильм - "Младенцы на прогулке", комедия 15.30 - "Ошикона", мусикий дастури 16.10 - "Аёллар ораузи" - повтор передача 16.45 - "Теле-хамкор" 17.00 - "Болалар соати", (повтор) 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати" 18.30 - НТТ - "Клип" 18.40 - НТТ - "Ишон Тв" 18.50 - НТТ - "Эркин хандаси" 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета 20.00 - "Музыкальный табасум" 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - "Эстрада наволари" 21.15 - НТТ - "Кино Тв" 21.20 - НТТ - "СТВ - Тв" 21.20 - НТТ - "Марказ Тв" 21.40 - "Музыкальный табасум", музыкальная передача 22.10 - НТТ - "Бадий фильм"

Чоршанба 22

12.00 - Открытие программы 12.05 - "Теле-хамкор" 12.25 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 13.25 - "Мультифильм" 13.40 - "Музыкальный табасум", музыкальная передача 14.00 - "Художественный фильм - "Гениальные младенцы", фантастика 15.30 - "30 кадр" - развлекательная передача

16.00 - "Детский час" 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета 17.00 - "Хит-парад плюс", повтор 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм 18.30 - НТТ - "Клип" 18.40 - НТТ - "Таразонет Тв" 18.50 - НТТ - "Кино улмиша назар" 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета 20.00 - "Музыкальный табасум" 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - "Эстрада наволари" 21.15 - НТТ - "Кино Тв" 21.20 - НТТ - "Келгач овози" 21.40 - "Музыкальный табасум" 22.10 - НТТ - "Бадий фильм"

Паншанба 23

12.00 - Открытие программы 12.05 - "Теле-хамкор" 12.25 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 13.25 - "Мультифильм" 13.40 - "Музыкальный табасум", музыкальная передача 14.00 - "Художественный фильм "Три толстяка", озава 15.30 - "Хит", повтор 16.00 - "Детский час" 16.45 - "Теле-хамкор" 17.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль" 17.30 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм 18.30 - НТТ - "Клип" 18.40 - НТТ - "Мулоқот Тв" 18.50 - НТТ - "Киноконцерт" 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури

Жума 24

12.00 - Открытие программы 12.05 - "Теле-хамкор" 12.25 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 13.25 - "Мультифильм" 13.40 - "Музыкальный табасум", музыкальная передача 14.00 - "Художественный фильм "Дорогая Клеодия", комедия 15.30 - "Ошикона" мусикий дастури 16.10 - "Детский час" 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета 17.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль" 17.30 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати", мультфильм 18.30 - НТТ - "Клип" 18.40 - НТТ - "Кино Тв" 18.50 - НТТ - "Эркин хандаси" 19.00 - "Ошикона" мусикий дастури 19.40 - "Теле-хамкор" 20.00 - "Музыкальный табасум" 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - "Мумтоз наволар" 21.15 - НТТ - "Осиб Тв" 21.20 - НТТ - "Эркин фикр" студияси - "Худуд" 21.40 - "Музыкальный табасум"

Шанба 25

9.00 - Открытие программы 9.05 - "Теле-хамкор", фойдали газета 9.20 - "Мультифильм" 9.40 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 10.40 - "Художественный фильм - "Чучело", 1 серия 12.20 - "Ошикона" мусикий дастури 13.00 - "Художественный фильм - "Чучело", 2 серия 14.30 - "Болалар соати" 15.30 - "Музыкальный табасум" 16.00 - "Лучшие песни от До-Ми-Соль шоу" 16.30 - "Мультифильм" 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета 17.00 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Болалар соати" 18.30 - НТТ - "Эстрада калейдоскопи" 18.40 - НТТ - "Биз билган ва билмаган дунё" 19.00 - "Ошикона", мусикий дастури 19.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета 20.00 - "Хит-парад - плюс" 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - "Эркин фикр", ток-шоу 1-кўям 21.30 - "Шоу-бизнес янгликларини", информация дастур 22.00 - НТТ - Хинд бадий фильм "Кирриш мумкин эмас", 1-кўям 23.25 - НТТ - "Енимиздаги одамлар", ток-шоу тақорор 00.05 - НТТ - Хинд бадий фильм - "Кирриш мумкин эмас", 2-кўям

Якшанба 26

9.00 - Открытие программы 9.05 - "Теле-хамкор", фойдали газета 9.25 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 10.25 - "Теле-хамкор", фойдали газета 10.45 - "Художественный фильм - "Кот в сапогах", озава 12.40 - "Музыкальный табасум" 13.00 - "Теле-экспромт" - передача о кино 13.20 - "Хит-парад - плюс" повтор передача 14.20 - "Шоу-бизнес янгликларини", информация дастур 14.50 - "Болалар соати" 15.20 - "Аёллар ораузи", познавательная передача 15.50 - "До-Ми-Соль шоу" 16.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета 17.00 - "Мультифильм" 17.30 - "Музыкальный табасум" музыкальная передача 18.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 18.05 - НТТ - "Эстрада калейдоскопи" 18.30 - НТТ - "Сугдиёна", мунис аёллар курсатуви 19.00 - "Теле-хамкор", фойдали газета 19.20 - "Ошикона", мусикий дастури 20.00 - "30 кадр" - развлекательная передача 20.30 - "Музыкальный табасум" 21.00 - НТТ - Дастурларининг очилиши 21.05 - НТТ - "Эркин фикр", ток-шоу 2-кўям 21.30 - "Музыкальный табасум" 22.00 - НТТ - "Муҳаббат ришталари", 1-кўям 23.30 - НТТ - "Якшанба ошконида", мусикий дастур 00.10 - НТТ - "Муҳаббат ришталари", 2-кўям

TV-MARKAZ

Душанба 20

07.00 "Премьера" (узб.) 07.20 Узбек наволари 08.00 "Премьера" (рус.) 08.20 Мировые хиты 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 6-серия 09.50 Узбек наволари 11.00 Кино-SMS. Фильм-победитель прошлой недели. 13.00 Мировые хиты 14.00 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.30 Узбек наволари 17.00 "Судьба" 17.30 Микст-концерт 18.00 Премьера (узб.) 18.20 Узбек наволари 19.00 Премьера (рус.) 19.20 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 7-серия 20.10 Узбек наволари 21.00 "Очид дастурдон" 21.30 Узбек наволари 22.00 Комедия по понедельникам. Худ. фильм "СВАДЬБА МОЕГО ЛУЧШЕГО ДРУГА" 00.00 Миксер

Сешанба 21

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Узбек наволари

08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 Узбек наволари 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 7-серия 09.50 Мировые хиты 10.00 Узбек наволари 11.00 Худ. фильм "СВАДЬБА МОЕГО ЛУЧШЕГО ДРУГА" 13.00 Мировые хиты 13.30 Марказ NEWS (узб.) 13.40 Узбек наволари 14.30 Марказ NEWS (рус.) 14.40 Мировые хиты 15.00 Теленяня 15.45 Узбек наволари 16.00 Мировые хиты 17.00 "ТОП-20" 17.45 Мировые хиты 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.10 Узбек наволари 18.30 "Премьера" (узб.) 18.50 Мировые хиты 19.00 Марказ NEWS (рус.) 19.10 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 8-серия 20.00 Узбек наволари 21.00 "Великолепная семёрка" 21.30 Узбек наволари 22.00 Худ. фильм "НА ГРАНИ" 24.15 Мировые хиты 00.30 "Миссия неповторима"

Чоршанба 22

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Мировые хиты 07.30 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 Микст-концерт 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 8-серия 09.50 Мировые хиты 11.00 Худ. фильм "НА ГРАНИ" 13.15 Мировые хиты 13.30 Марказ NEWS (узб.) 13.40 "Юлдузли пайшанба" 14.10 Узбек наволари 14.30 Марказ NEWS (рус.) 14.40 Мировые хиты 15.00 Теленяня 15.45 Узбек наволари 16.00 Мировые хиты 17.00 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.10 Узбек наволари 19.00 Марказ NEWS (рус.) 19.10 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 9-серия 20.00 Мировые хиты 20.30 "Премьера" (рус.) 20.50 Узбек наволари 21.00 "Миссия неповторима" 21.30 Узбек наволари 22.00 Киноколлекция. Худ. фильм "СОБОР ПАРИЖСКОЙ БОГОМАТЕРИ" 00.15 Миксер

Паншанба 23

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Мировые хиты 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 Узбек наволари

Чоршанба 22

09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 9-серия 09.50 Узбек наволари 11.00 Худ. фильм "СОБОР ПАРИЖСКОЙ БОГОМАТЕРИ" 13.15 Мировые хиты 13.30 Марказ NEWS (узб.) 13.40 Узбек наволари 14.30 Марказ NEWS (рус.) 14.40 Мировые хиты 15.00 Теленяня 15.45 Узбек наволари 16.30 Мировые хиты 17.00 "Великолепная семёрка" 17.30 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.10 Узбек наволари 19.00 Марказ NEWS (рус.) 19.10 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 10-серия 20.00 Спецрепортаж 20.20 Мировые хиты 20.30 "Премьера" (узб.) 20.50 Мировые хиты 21.00 "Юлдузли пайшанба" 21.30 Узбек наволари 22.00 Худ. фильм "КЛАД" 00.15 Миксер

Жума 24

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 Мировые хиты 09.00 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 10-серия 09.50 Мировые хиты 10.00 Узбек наволари 11.00 Худ. фильм "КЛАД" 13.15 Мировые хиты 13.30 Марказ NEWS (узб.)

Чоршанба 22

13.40 Узбек наволари 14.30 Марказ NEWS (рус.) 14.40 Узбек наволари 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.00 "ТОП-20" 16.00 Мировые хиты 17.00 "Судьба" 17.30 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.10 Узбек наволари 19.00 Марказ NEWS (рус.) 19.10 Сериал "ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ" 11-серия 20.00 Узбек наволари 20.10 "Премьера" (рус.) 21.20 "Очид дастурдон" 21.40 "САЙИЛТОҚ" (new!) 22.00 Худ. фильм "ЗАЛОЖНИК" 00.10 Миксер

Шанба 25

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.15 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.15 Узбек наволари 09.00 "Судьба" 09.30 Мировые хиты 11.00 Худ. фильм "ЗАЛОЖНИК" 13.10 Мировые хиты 13.40 "Премьера" (узб.) 14.00 "Очид дастурдон" 14.20 Узбек наволари 15.00 Теленяня 16.20 Мировые хиты 16.50 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.15 Мировые хиты 19.00 Марказ NEWS (рус.)

Якшанба 26

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.15 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.15 "Юлдузли пайшанба" 08.45 Мировые хиты 09.00 Концерт группы "ШАХЗОД" 10.45 Мировые хиты 11.00 Индийское кино. Худ. фильм "ЗАХАР" 14.00 "Великолепная семёрка" 14.30 Узбек наволари 15.00 Теленяня 16.20 Узбек наволари 16.30 "Премьера" (рус.) 16.50 Мировые хиты 17.00 Узбек наволари 18.00 Марказ NEWS (узб.) 18.15 Мировые хиты 18.30 Узбек наволари 19.00 Марказ NEWS (рус.) 19.15 Узбек наволари 20.00 "АБЪЮ-МАРКАЗ" 20.10 Мировые хиты 21.00 "ТОП-20" 21.45 Узбек наволари 22.00 Кино-SMS: 1. Худ. фильм "НОТТИНГ-ХИЛЛ" 2. Худ. фильм "ПОКА ТЫ СПАТ" 3. Худ. фильм "МЭРИ РАЙЛИ" 00.00 Миксер

Ўғлим Тўракул, мен ёшимни яшаб, ошимни ошаган одамман. Энди навбат сиз ёшларники. Биламан, эртаниндин сен ҳам мен каби биронта корхона раҳбари бўласан. Бунга иқтидоринг ҳам, салоҳиятинг ҳам етади. Аммо раҳбарликнинг шундай ёзилмаган қонун-қоидалари борки, унга қатъий амал қилган кишигина узокқа боради, обрў-эътибор қозонади.
Умид қиламанки, ёзиб қолдираётган ушбу битикларимни ўнгу сўл қўлоғингга қўйиб оласан.

Ўғлим Тўракул, шунга эса тутгилки, агар сен эртага бошлиқ бўлиб қолсанг, ҳеч қачон қўл остингдаги ходимларга эрталаб топшириқ бера қўрма. Одатда, ақлли раҳбарлар топшириқни иш соатлари тугашига санокли дақиқалар қолганда беришади. Бундай мажлисбозликларга айрим ходимлар эътироз билдиришлари мумкин. Аммо бунга парво қилма. Вақти келиб, ўша ходимларнинг ўзлари мажлиссиз туролмайдиган бўлиб қолишади. Топшириқ билан боғлиқ мажлисларни эса ҳеч қачон шошмашошарлик билан яқунлашга ҳаракат қилма. У камида 1 — 1,5 соат давом этиши зарур. Чунки йиғилиш қанча кўп бўлса, жамоа олдидидаги обрў-эътиборинг шунча ортади. Улар сени иш деса оиласидан ҳам воз кечадиган, тиниб-тинчимас, ишбилармон ва ташаббускор раҳбар сифатида ҳурмат қиладиган бўлишади.

— **Иложи борича, кечки йиғилишлар билан чекланиб қолма. Кунига уч-тўрт марта кутилмаган мажлислар чақирингга ҳаракат қил. Бунинг учун баҳона керак демокчимисан? Шу ҳам муаммо бўлдики? Ким айтади, сени бўлажак корхона раҳбари деб. Мана, масалан, биронта ходимнинг ишга бироз кечикиб келди. Ёки бўлмаса, кимдир хонада сигарет тутатиб ўти-**

Буни қўл остингдаги ходимнинг ўзи топсин.

— Агар ходимнинг бажарган ишидан қониқиш ҳосил қилган бўлсанг, буни бажарувчига айтиб ўтирма. Унга бўлим бошлиғи орқали миннатдорчилик билдирсанг, шунинг ўзи кифоя.

Тўра Тўраевнинг ён дафтаридан

рибди. Тушлиқдан сўнг туппа-тузук ходимнингнинг оғзидан “ифори ҳид” уфуриб турибди. Ахир буларнинг барчаси тартиб-интизом бўшашиб кетганлигидан далолат эмасми? Албатта йиғилишни “Хурматли ахли жамоа, деб бошла. Мен сизларнинг қимматли вақтларингизни олишни истамагандим. Аммо бунга ўзларингиз мажбур қилаяпсизлар. Кеча яна бир туппа-тузук ходимимиз...”, дея давом эттирсанг бўлаверади.

— Ходимларга ишни тақсимлаб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйма. Тез-тез ходимни хонангга чақиртириб, ишнинг қандай кетаётганлиги тўғрисида ахборот олиб тур. Шундай қилинганда ходимнинг ишга бўлган масъулияти ортади. Сенга бўлган меҳри товланади.

— **Мабодо сен бир вақтнинг ўзида бир нечта топшириқ берган бўлсанг, уларнинг қайси бири биринчи галда муҳимлигини бажарувчига айта қўрма.**

— **Лойиҳа устида ишлаётган ходимга ҳеч қачон аниқ топшириқ берма. Мақсадингни тушунтир. Токи у бир ишни тўрт-беш марта бажарсин. Тажрибасини орттирсин. Пул топиш осонмаслигини тушуниб етсин.**

— Ҳа, айтгандай, иш вақти тугагандан сўнг қолиб ишлаган ходимларга зинҳор-базинҳор қўшимча иш ҳақи тўлаб қўрма. Чунки, ҳар қандай қўшимча иш ҳақи ходимнинг шаъни, меҳнатга бўлган муносабатини ерга уришдан бошқа нарса эмас.

— **Жамоага иш ҳақини ўн — ўн беш кунга кечиктириб беришга ҳаракат қил. Бунинг учун истаганча баҳона топиш мумкин. Масалан, молиявий аҳволнинг қийинлиги, банкдан нақд пул олиш масаласининг оғирлигини айтсанг, ким ишонмайди. Шу тариқа қайси ходимнинг ниманинг ҳисобига яшаётганлигини биласан-қўясан. Ахир бу ҳам синовнинг бир тури-да.**

лар иш ҳақидан ушлаб қолса ҳам бўлаверади.

— **Тасаввур қил. Қўл остингда ёш, иқтидорли ходим ишлайди. Аммо у сенга нимаси биландир ёқмайди. Назарингда бироз кеккайганроқми-ей, ё юқуми йўқми, тушунмайсан. Тўсатдан юқори идора раҳбарларидан бири айнан ўша ходим тўғрисида тавсия беришни сўраб қолди. Аммо сен бирданнига тутақма. У ҳақда ёмон сўз айтма. Тавсияномани обдон тайёрла. Бошида унинг шаънига илиқ гаплар айт. Сўнг сиз таклиф қилаётган вазифага тавсия этолмайман, деб уни тугатсанг бас. Албатта, ҳалиги раҳбар сўнги жумлангандан қониқмай яна сенга қўнғироқ қилади. Шунда сен энг синалган оддий йўлни тут. “Биласизми, унинг иқтидорини ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Аммо унинг баъзи бир ҳаракатларини ҳечам ҳазм қилолмайман. Бир ичиб қўйса, ҳафталаб ишга келмайди. Бунинг устига, тез-**

тез “чап”га кетиб қолиш одатлари ҳам йўқ эмас” дея секингина шипшитсанг олам гулистон. Кафолат бериб айтаманки, бундан кейин ўша хо-

димни ит ҳам сўрамайди.

— Турли хил муаммолардан йироқроқ юрай десанг, ҳеч қачон телефон гўшагини котибасиз биринчи бўлиб қўтарма.

— **Қариқдош-уруғлар, ёр-биродарлар ўртасидаги аввалги борди-келдилар, дилдан суҳбатлашишларга чек қўй. Узингни ўта ҳуддий тут. Юзингга бироз туқд тус беришга ҳаракат қил.**

— Ҳа, эсим қуртин. Ходимларга икки ҳафтадан ортиқ таътил берма. Ундан ҳам маъқули, умуман таътил бермасликнинг йўллари йўлаб қўйсанг асло зарар қўрмайсан.

Аминманки, ушбу маслаҳатларингга қатъий амал қилсанг, ҳеч қачон қоқилмайсан. Мендан бир умр хурсанд бўлиб юрасан.

Қайдномани шоир БҮРОНИЙ кўчириб олди



Чўпон ҳикояларидан

Кунлар илиб қолган бўлса-да, ҳар ер-ҳар ерда қор бор эди. Фермер Раҳим амакининг ўғиллари Хасан-Хусанлар тўл олишга санокли кунлар қолганлигидан сурувни кўрадан ўнчалик узок бўлмаган Каттасой яйловларида боқишар эди.

ИТНИНГ ЯХШИСИ СИРТЛОН

Вақт пешиндан оққанида кўк юзини булут қоплаб, совуқ шамол қор учкунларини чир айлантириб учира бошлади. Табиатнинг бундай инжиқликларини кўп кўрган ака-укалар қўйларни дарҳол бир жойга тўплаб, эҳтиёт чораларини кўришди. Шу орада узокдан фермернинг бўз отда келаётганлигини кўриб, кўнғиллари хотиржам бўлди. Фурсат ғанимат. Қўйлар кўрага тезроқ ҳайдаб борилиши керак. От сурув олдига тушиб йўл бошлагач, орқасидан икки серка ҳайдалди. Қўйлар эса ўз-ўзидан уларга эргашди. Сурув ҳеч бир талофатсиз кўрага ҳайдаб келинди.

Кутилмаганда ярим тунда қўйларнинг тапир-тупури ва маъраши ҳамда Тўрткўз итнинг жон-жаҳд билан ҳуриши бири-бирига қўшилиб кетди. Чорпоёда намат устида ётган фермер сапчиб ўрнидан турганида, баланд сим тўр девор устидан ошиб ўтаётган қора шарпага кўзи тушди. Унинг пишангидан кейин бошқа чўпон итлари ҳам вовуллаб, қулоқ-мияни батанг қилгудек шов-

қин-сурон кўтарилди. Номаълум махлук қирдан ошиб кўздан гойиб бўлса ҳам унинг ортидан итлар югуриб кетишди.

Раҳим амаки фонус чироқ олиб кўра ичкарисига кўз ташлади. Лаънати йиртқич уч-тўрт совлиқни чалажон қилиб кетибди. Дарҳол этиги кўнжиданги пичок билан уларни бўғизлаб, ҳалоллашга улгурди. Шу оқшом чўпон-чўлиқларнинг тинчи бузилиб, алламаҳалгача мижжа қоқишмади.

Тонг ёришгач, шамолнинг овози бироз пасайгандек бўлди. Ҳаво бирданги очилиб, қўйчивонлар нонуштадан сўнг қўйларни ташқарига чиқаришди. Олдинда бораётган серка кўнғироғини силкитганича сурувни тепалик томон ётаклади. Тоғ этакларидаги қўраларда одатий ҳаёт давом этарди.

Кўёш бўй кўрсатганида кунгайда ўзини офтобга бериб ётган Тўрткўз Раҳим амакини кўриши билан думини ўйнатиб, бошини сарак-сарак қила бошлади. Ярим

тундаги бўлган нохуш кўнғил-сизликдан у гўё ўзини айбдор ҳис этиб ялтоқланарди.

Ана шунда кўрада сиртлоннинг ўрни билиниб қолди. У бир ҳафтадан бери кўриниш бермай қўйчивонларни хавотирга солиб келарди.

Кўклам нафаси уфуриб қолган кунларнинг бирида тонг пайти Раҳим амаки кўра яқинида сиртлон итнинг ҳуришини эшитиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди. У ҳовлига чиққанида очлик азобини тортиб қовурғаси саналиб қолган ит унга суйқалди. «Қаерларда санғиб юрибсан» дея фермер унинг бошини силаган бўлди. Шунда беихтиёр кекса чорвадорлар билан пирдош бўлганидан уларнинг: «Ит зоти ҳам ўзидан насл қолдириш учун имкон қидиради. Илиқиш дарида ҳамма нарсани унутади», деган гаплари ёдига тушди.

Теварак-атроф кўм-кўк майса ва гулга бурканган, яйловда қўй-қўзиларнинг дупур-дупури ва маърашлари эшитилади.

Қўйчивонлар йил бўйи тортган машаққатлари эвазига кўзила-тиш мавсумини ҳам кўнғилдагидек яқунлашди. Серташвиш кунлар ортда қолди. Жазирама ёз ойлари бошланиб, қўй-қўзилар галладан бўшаган майдонларда асосан тунда боқиларди.

Бир куни кечқурун Раҳим амаки бўз отда қишлоқдан қайтаркан, ангарда қўй боқиб юрган ёш чўпоннинг олдига югуриб келаётганини кўрди:

— Мунча шошмасанг, ўзингни бос. Нима гап ўзи?

— Суюнчи беринг, — деди йигит ҳаяжонини яшира олмасдан. — Сиртлон болалабди. Кучукчалардан бирининг орқа оёқларида онасиникига ўхшаш қўшимча тирноқлари ҳам бор экан.

— Кўп яхши. Суюнчисига битта тўқли бераман, — деди фермер хурсанд бўлганидан.

У фермага келган заҳоти уловини бостирма устунига қантарди-ю, кучукваччаларни кўришга ошиқди. Сомонхонага етар-ётмасдан ит болаларининг гингшиганини эшитди. Улар бор-йўғи иккита бўлиб, бирининг кўзлари чақнаб, ёниб турар, ранги ҳам галати, кўкиш-қорамтир эди. Гавдасининг тузилиши ва оёқ панжалари ҳам ёнидаги қондош шеригига қараганда фарқ қиларди. Қўйчивонлар ўша кундан бошлаб уни Кўктой деб атай бошлашди. Лекин ҳали олдинда уни ёмон кўзлардан асраш, эҳтиётлаш ва кўз-қулоқ бўлиб бориш масъулияти ҳам турарди. Негаки, бадхулқ ва дайди итлар ёки йиртқич бўрилар илғаб қолгудай бўлса, уни ўлдириб кетиши турган гап эди.

Куз оқшомларининг бирида ёлдор бўри Кўктойнинг ингичка ва ўктам овозини эшитиб фермахона томон яқинлашаркан, ён-атрофни обдон синч-

ковлик билан қузатгач, баланд сим тўр девордан ошиб ўтди. Теварак-атроф сув қўйгандек жим-жит, зоғ ҳам учмасди. Ёлдор бўри бу гал учметда тўп-тўп бўлиб ҳуркиб, уюлишиб турган совлиқларга қайрилиб ҳам қарамади. У тўғрига силжий бошлади. Икки кўзи афтодоҳол, қаровсиз уйча атрофидаги кучукваччаларда эди. Йиртқич бир сакрашданок тўрт-беш одим наридаги Кўктойни тузоғига илинтириб олиши ҳеч гап эмас, лекин уни панароқ жойгача эргаштириб олиб боришни афзал кўрди. Шу орада мурғак кучукваччаларнинг гингшигани эшитилди. Бундан хабар топган она сиртлон бир зумда ҳозир нозир бўлиб, жон-жаҳди билан хура бошлади. Ҳиёл ўтмасдан кўра яқинидаги уйча эшиги очилиб, ҳовлига ёруғлик тушди. Ўз ўлжасини чангалига илтиришга бир баҳя қолганида ёлдорнинг режалари кунпаякун бўлди. Шовқин-сурон, тўс-тўполон ва гала-ғовур кўтарилиб, йиртқич бир зумда кўздан йўқолди. Кўктойга кейин ҳам бундай тажовузлар бўлиб турди. Қискаси, униб-улгайғунича кўплаб хавф-хатар ва талофотларни бошдан кечирди.

Шукурларки, у қўйчивонларнинг ҳушёрлиги ва сергақлигидан эсон-омон асраб қолинди. Қиш ҳам бошланиб, биринчи қордан сўнг Кўктой анча бўйга тортиб, кўзга ташланиб қолди. У қўйлар подасига тезда киришиб кетди. Бу вақтда она сиртлон тамоман қариб кўримсиз бўлиб қолган эса-да, Кўктойнинг увиллаган овози ётган узок чекка яйловларгача йиртқичларнинг яқинлашишга ҳаддилари сифмас, улар қадамларини ўйлаб босишарди.

Абдулла САИДОВ

**МАНФААТЛИ
КЕЛИШУВ**

Россиянинг гигант компаниялари ҳисобланмиш ЛУКОЙЛ ва Газпромнефт компанияларнинг мавжуд имкониятларини бирлаштириб, амалдаги ва янги лойиҳаларда иштирок этиш учун қўшма корхона тузишни режалаштиришяпти. ЛУКОЙЛ компаниясининг директорлар кенгаши аъзоси Равил Маганов бу жараёни "лоийҳаларда қатнашишда компаниялар имкониятларни бирлаштириш" дея изоҳлади. Унинг билдиришича, ҳозир музокаралар олиб борилмоқда. Тузулажак янги қўшма корхонада компаниялар иштирокининг улуши ҳақида ҳеч қандай фикр билдирмади.

Авалроқ, ЛУКОЙЛ ва Газпромнефт хорихда ва Россиянинг ўзида янги активларга эга бўлиш учун қўшма корхона тузишни режалаштиришяпти, деган эди ЛУКОЙЛ бошлиғи Вагит Алекперов Вести каналга берган интервьюсида.




МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

Индонезия Россиядан шу суммада олтига кирувчи самолёт, иккита сувости кемаси, тўққизта турли хил вертолёт сотиб олмоқчи. Индонезия мудофаа вазирининг бу фикри мамлакат президентиға маъқул келди. Қизиқарли томони шундаки, ушбу техникаларни сотиб олишға Россиянинг ўзи кредит ажратмоқчи.



ҚАРАШЛАР ТЎҚНАШДИ

Хитой ва Япония муносабатлари тарихини ўрганиш бўйича икки томонлама комиссия тузилди. Вьетнам пойтахтида икки мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари учрашувидан сўнг бу соҳада, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши воқеаларига қарашлар бир-бирига зид эканлиги маълум бўлди.



**ЭНГ ҚИММАТ
ПОРТРЕТ**

Таниқли америкалик рассом Энди Уорхолом ижодига мансуб, хитойликларнинг даҳоси ҳисобланган Мао Цзэдуннинг портрети Нью-Йоркда "Кристис" биржасидаги аукционда рекорд суммага, яъни 17,4 миллион АҚШ долларига сотилди. Гонконгнинг энг катта бойларидан ҳисобланган, коллекционер Жозеф Лау портрет сохибига айланди. Бу асар поп-арт классикаси усулида, ёрқин ранглардан фойдаланилганлик учун Уорхоломнинг энг зўр ижодларидан бири ҳисобланади. Портрет 1970 йилларнинг бошида катта форматли тасвирлар қаторида вужудга келди. Бундай портретлар жами бўлиб 10 донани ташкил этади.

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

Рим Паласи Бенедикт XVI АҚШнинг Мексика билан чегарадош ҳудудида девор қуришни қаттиқ қоралади. "Адолат ва тинчлик" Папалар кенгашининг бошлиғи Ренато Мартино бу деворни ҳатто Берлин деворига қиёслади. "Шуни таъкидлаш керакки, Берлин девори қулаганда хурсандлигини билдирган мамлакат эндиға келиб ўзи янгисини, яна икки давлат ўртасида барпо этмоқда", дея норози муносабатини билдирди у Рим Паласининг иммиграция ҳақида йиллик мурожаати бўйича ўтказилган пресс-конференцияда. У АҚШ ва Мексика епископларини Вашингтоннинг 1126 километр узунликдаги девор қуриш режасини амалға оширишда қаршилик кўрсатишға чақирди. Жорж Буш шу йилнинг 26 октябрида чегарадан ўтувчи нолегал иммигрантларни тўхтатиш мақсадида Мексика билан чегара ҳудудида тўсиқ ўрнатишни назарда тутувчи қонунға қўл қўйди. Бу лойиҳаға Миллий хавфсизлик вазирлигининг 2007 йилги бюджетидан 1.2 миллиард миқдорида маблағ ажратилади. Бироқ чегара деворининг умумий қиймати ҳали маълум эмас.

**ЧЕКИШ
ТАҚИҚЛАНАДИ**

Франция ҳукумати жамоат жойларида ва ишда чекишни тақиқлайдиган декрет қабул қилди. Бу 1991 йилдан амалда бўлган алкогольли ичимликлар ва тамаки истеъмол қилишни чекловчи "Эван Қонуни"ға қўшимча бўлди. Қонун бузувчиларға солинадиган жарима миқдори ошди. Келгуси йилнинг 1 февралидан транспортда, соғлиқни сақлаш муассасалари, давлат ва хусусий мактаблар, коллеж ва лицейларнинг бино ва ҳовлисида ҳам чекиш мутлақо тақиқланади.

АВТОМОБИЛЛАР БЕПУЛ ТАЪМИРЛАНАДИ

Япониянинг Toyota компанияси бепул таъмирлаш учун 54 минг дона автомобилни қайтариб олмоқчи. Бунга двигателлардаги носозликлар сабаб бўлди. Компаниянинг Ер ва транспорт вазирлиғига берган аризасига биноан фақат икки турдаги автоуловлар қайтариб олинади. Булардан бири 1997 йил декабридан 2000 йил ноябригача ишлаб чиқилган "Harrier" спорт машинаси. Аниқланган нуқсон автомобилнинг компютер системасида ишлаш вақтда носозликларни ва аланға олиш хавфини юзага келтириши мумкин. Toyota раҳбариятининг хабар қилишича, иккита ҳолатда автомобил аланға олган, бироқ бу нохуш ҳолатдан ҳеч ким жабр кўрмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи томонидан берилган 920- номерли гувоҳнома асосида иш юритувчи МСНУ «TASHAGROMASHAUDIT» аудиторлик ташкилотининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ГАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Рўзғорда газдан фойдаланишнинг асосий қоида-талабларини эслатиб ўтамиз

Диққат! қатъиян ман қилинади:
— газлаштирилган уй-жойларни, алоҳида газ асбобларини газ таъминоти тизимига ўзбошимчалик билан улаш;
— ностандарт ва бузук газ асбобларидан, шланглардан фойдаланиш;
— тандирлар, газ асбоблари ва газ горелкалари қурилмаларини ишлатиш учун газ тармоқларига штуцерлар, опусклар билан улаш ва фойдаланиш;
— рўйхатдан ўтмаган баллонли газ қурилмаларидан фойдаланиш;
— газ баллонларини кўп қаватли уйларда сақлаш ва фойдаланиш.
Ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланганда уй-жойлар, хонадонлар эгаларига нисбатан амалдаги қонунларға мувофиқ қоралар кўрилади.
Ишлаб турган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг.
Авария ҳолатлари содир бўлган тақдирда газни узатиш тўхтатилади, бу эса хонаға газ тўлишиға олиб келиши мумкин.
Еш болаларни ҳамда ўқитилмаган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланишиға йўл қўйманг.
Сув иситгич қурилмалари ишлаб турганида ва тўхтатиб қўйилганида дудбўронларнинг хаво тортишини текширишни эсдан чиқарманг.

Уй-жойларни газлаштириш, газ асбобларини қайтадан ва кўшимча ўрнатиш фақат яшаш жойи бўйича шаҳар ва туман газ идоралари орқали тегишли хужжатларни расмийлаштириш билан амалға оширилиши лозим.

ГАЗ ҲИДИ СЕЗИЛГАНДА

Мумкин эмас!

Қилиш керак



«Тошкентгазтаъминот» ҳудудлараро унитар корхонаси

Газ плитасидан фойдаланганда:
— ойнанинг дарчасини очиб қўйинг, вентиляция каналининг созилигини кузатинг;
— горелка ёки духовкалар ўчирилганда уларда газни қайта ёқиш учун духовкани ва хонани синчиклаб шамоллатинг;
— плита устида кийимларни қуритманг;
— газ баллонларидан фойдаланганда, босим регулятори ҳамда шлангли бирлаштиргичнинг созилиги устидан назорат ўрнатинг.
Газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш талабларига риоя этмаслик ва ўзбошимчалик билан қилинган хатти-ҳаракат портлашларға, ёнгинларға, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларға олиб келиши мумкин.
Газ ҳидини сезишингиз билан газ асбоблари олдидаги ва асосий тармоққа уланган жойдаги жўмрақларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ёқкичлар, очик оловдан фойдаланманг, дарҳол 04 рақамли телефон орқали хабар беринг.
Уй-жойларда газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш учун масъулият шу уйларнинг эгалари ва ижарада ўтирганлар зиммасига юклатилганлигини унутманг.



✓ Барҳаёт сиймолар

Бу воқеани хануз адоксиз армон ила ёдга олишади. Ушанда таниқли актёр, режиссёр ва жамоат арбоби Олим Хўжаев Ўзбек миллий академик драма театри раҳбари сифатида жамоаси сахналаштирган асарларни Россия, қолаверса, чет эл томошабинларига намойиш этиш мақсадида ўша давр таомилига кўра Москвага бориб, ўзоқ кутиш ва изтироблардан сўнг маданият вазирининг қабулига киришга муяссар бўлади. Йиллар мобайнида орзиқиб қутилган армон ушалади. Олим Хўжаев ўта қаттиқ тўлқинланиб, вазир қабулхонасидан Тошкентга, жонажон театрига кўнғирок қилиб, "гастролга рухсат беришди" дейди-ю тўсатдан йиқилади...

1977 йил 14 февралда Москвада Олим Хўжаевнинг бевакт ўлими ҳақидаги хабар бутун оламга тарқалди...

Санъат учун туғилган эди

Олим Хўжаев Бухорода 1910 йил 24 сентябрда таваллуд топди. Ўрта мактабни, сўнгра Маориф билим юртини тугатади. Талабалик йилларидаёқ драма тўғарагининг фаол қатнашчиларидан бирига айланади. Унинг истеъдодини пайқаган Маннон Уйғур профессионал актёр бўлишни таклиф этди.

Шундай қилиб 1929 йилда Олим Хўжаев Ҳамза номидаги театр группасига келиб қўшилди.

Дастлабки йиллардаёқ ёш актёр Абдор Ҳидоят, Обид Жалилов, Сора Эшонтураева-лар сингари ноёб истеъдод соҳиблари қаторидан муносиб жой эгаллайди, унга кўплаб бош ролларни ижро этиш ишонч топширилди. Фердинанд ("Макр ва муҳаббат"), Звонцов ("Егор Буличев ва бошқалар") образлари актёрнинг ижодий парвозини бошлаб берди.

Салкам 50 йил давомида Олим Хўжаев сахнада юзга яқин ранг-баранг ролларни ижро этди. Бу роллар турли характерга эга эди. 30-йилларда Калаф ("Маликаи Турондот", К.Ғоцци), Яровой ("Любовь Яровая", К.Тренёв), Низомов ("Сотқинлар", З.Фатхуллин) каби образлар актёр маҳоратининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Кўп йиллик тажриба ва изланишлар натижаси ўлароқ Ҳамлет образи яратилди. Олим Хўжаев талқинида Ҳамлет адолат, ҳаққоният, самимий инсоний муносабатларни тиклашга бел боғлаган олийжаноб шахс сифатида гавдаланди. У қарийб 30 йил узлуксиз ижро этган бу рол фақат актёр ижодий биографиясидагина эмас, балки дунё театрлари тарихида ҳам олтин саҳифа бўлиб қолди.

Олим Хўжаев шуҳратига шуҳрат кўшган роллардан яна бири Алишер Навоий образи бўлди. Уйғун ва Иззат Султон пьесаси илк бор 1945 йилда сахна юзини кўрди. Спектаклда ҳаётга чинакам ижодкор кўзи билан қараган, халқнинг порлоқ келажакига ишончини асарларида эҳтирос билан куйлаган, ўзаро зиддиятларни зўравонлик, қон тўкиш йўли билан ҳал қилмасдан, балки ақл-идрок кучи билан ҳал этишни афзал билган довурак шоир ва мутафаккир қиёфаси

бутун таровати билан намоён бўлди.

Олим Хўжаев эл муҳаббатини қозонган бу ролни сахнада 25 йил давомида ижро этди. Германиядан меҳмон бўлиб келган Клаус Рфюцнер шундай деган эди: "Машҳур ўзбек актёри Олим Хўжаевни сахнада кўрганлигимдан беҳад хурсандман. Мен уни Ҳамза номидаги академик театр сахнасида ўзбекларнинг атоқли шоири ва мутафаккири Навоий образида кўрдим. Сахнада ўз қаҳрамони қиёфасида ҳаёт кечиришдан, фикрлаш қобилиятининг кучлигидан, жисмоний хатти-ҳаракатларининг ишонарлигидан, кўйинги, актёрлик маҳоратининг баланглигидан кўриниб турибдики, бу зот улкан санъаткор. Бу образ менга ўхшаган санъат шайдаларидан кўпчилигининг қалбини ўзига ром қилди, десам муболаға бўлмаса керак".

50-йилларда унинг Карл Моор ("Қароқчилар", Шиллер), Нолинакха ("Ганг дарёсининг қизи", Р.Тагор), Полторацкий ("Йўлчи юлдуз", К.Яшин), Астров ("Ваня тоға", А.Чехов), Сатор ("Юрак сирлари", Б.Раҳмонов) каби образлари актёр ижодининг камолотга етишида муҳим поғона бўлди.

Иззат Султоннинг "Имон" спектаклидаги Комилов образи ҳақида турли йилларда кўплаб фикрлар билдирилган. Дарҳақиқат, бу рол ўзига хослиги билан ажралиб туради. Санъаткорнинг зийлилар психологиясини яхши билиши Комилов образини яратишда кўл келди. Олим Хўжаев талқинидаги Комилов маънавий гўзаллиги, поклиги, жўшқинлиги, ҳаётни севishi билан томошабинни мафтун қилади.

Олим Хўжаев салбий образларни ҳам маҳорат билан ижро этди. Худбин ва кўрқок Пётр ("Мешчанлар", М.Горький), тақаббур ва олифта Паратов ("Сепсиз қиз", А.Островский), Солиҳбой ("Бой ила хизматчи", Ҳамза) ва бошқалар шулар жумласидандир. Айниқса, Яго, Юлий Цезарь образлари чуқур реалистик талқинга эга. Олим Хўжаев Ягонинг ёвуз характерини бўрттириб кўрсатса, Юлий Цезарнинг шуҳратпараст ва худбинлигини, золим ва зўравонлигини ишонарли

кўрсата олди.

Актёр яратган йирик образлардан яна бири Қирол Лир ("Қирол Лир", Шекспир)дир. Бойлик ва олтин ҳукмронлик қилган дунёда мулкдор, мансабдор кишигина роҳат кўриши, ҳамма ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин. Булардан маҳрум бўлган инсон эса хўрликка, таҳқирга маҳқум этилиб, одамийлик ва олижаноблик ўрнини зулм ва жаҳолат каби иллатлар эгаллашини акс эттиради. Бу рол учун Олим Хўжаев 1967 йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Олим Хўжаев режиссёр сифатида "Май тўкилди", "Юрак сирлари", "Бой ила хизматчи" (Болгариянинг Хасково театрида), "Тарих тилга кирди" каби спектаклларни сахналаштирганди.

У кинода ҳам самарали ижод қилиб, Хўжа Аҳрор, Ҳакимбой-вачча, Давронбек, Ҳамза, Обидий ролларини моҳирона ижро этди. Унинг ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмунга тўла. У ўз қаҳрамонлари хусусиятини, ижтимоий муҳит билан муносабатларини, ички дунёси ва кечинмаларини ҳаётий ва реал таъсирлай олувчи ўзига хос актёр эди.

Олим Хўжаев таниқли санъаткоргина эмас, балки жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам катта обрў-эътибор топганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг раиси, 1975 йилдан умрининг охиригача Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрига раҳбарлик қилди.

Олим Хўжаевнинг ижодий жамоатчилиги фаолияти ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлди. Улуғ санъаткор вафотидан сўнг, республика ҳукумати қарорига мувофиқ Сирдарё вилоят мусикали драма ва комедия театри, Бухоро маданият коллежи, Тошкентдаги ўрта мактаб ва кўчалардан бири Олим Хўжаев номи билан аталмоқда.

Санъаткорнинг иккинчи ҳаёти давом этмоқда. У яратган ранг-баранг ҳаётий, умрбоқий образлари миллионлаб томошабинлари қалбида ҳамон яшамоқда.

Раҳимжон ОРИПОВ

Мунажжим башорати

(20-26 ноябргача)

Кўй Бу ҳафта воқеаларга бой бўлади. Фақат душанба куни бироз танаффус бўлади. Атрофингиздагилар ёрдамида эски ишларни ва мажбуриятларни яқунлайсиз. Сешанба ва чоршанба кунлари ҳаётингиз шиддатли кечади. Фаолиятингиз кенгайди, ҳаётингизда янги саҳифалар очилади. Ишларингиз изга тушиб кетади. Ташаббус кўрсатиб қолинг. Пайшанба ва жума ота-онангиздан хабар олинг.

Бузоқ Ҳафта бошида ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар юз беради. Ишда ва тадбиркорликда сизга таклифлар бўлиши мумкин. Янги лойиҳаларни рад қилманг. Ҳафтанинг иккинчи ярми анча самарали ва хотиржам кечади. Пайшанба ва жума кунлари диёнатли ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатасиз. Шанбада ҳеч бир ишни режалаштирмаганингиз маъқул, дам олинг.

Эгизаклар Бу ҳафтада янги имкониятлар эшиги очилади. Ишда омадингиз келиб яхши буюртмалар оласиз, йирик ташкилотлар билан сардоромад шартномалар тузасиз. Сешанбада қизиқарли мулоқотларга киришасиз. Шанбада муҳим юмушни, бирор буюм харид қилишни режалаштирмаган маъқул. Яқинларингиз даврасида, аксинча, кўнгилга ёқадиган бирор нарса харид қиласиз.

Қисқичбақа Ўз ишингиз ва унинг натижаларидан қониқиш ҳосил қиласиз. Ҳар қандай шароитда ишингизда толе қулиб боқишига шубҳа йўқ. Фақат душанбада ўтмиш ҳақида ўйлайсиз. Пайшанба ва жума кунлари эҳтиросларни унутиб, фикрингизни муҳим ишга тўлланг. Шу кундаги харидингиз кўнгилли бўлмаслиги мумкин. Шанба оқшоми ва яқшанбада кўнгилга ёққан кишилар билан бирга бўласиз.

Арслон Янги ижодий фаолият учун омадди ҳафта. Ҳаётингизни барча доирасида сезиларли кўтаринкилик рўй беради. Ҳаёт даражанигиз юксалади. Содир бўлаётган воқеалардан мамнун бўласиз. Дам олиш, фарзандларингиз ва яқинларингиз даврасида бўлиш учун етарли вақт топилади. Шанбани марокли ўтказасиз. Яқшанбада маиший ишлар билан шуғулланманг.

Паризод Молиявий ва касбий муаммолар ечилишида қулай вазият юзага келади. Кредит ҳақида шартнома тузиб, анчадан буйн ўйлаб юрган ишларингиз амалга ошиши мумкин. Ҳафта мобайнида ўз уйингиз ва яқин қариндошларингиз билан боғлиқ муаммолар сизни ташвишлантириши мумкин. Кўп меҳмонлар келиши қутилмоқда.

Тарози Ўзингизни бу ҳафтада жуда яхши ҳис этасиз. Сешанбада сиз кутган янгиликлар рўй беради. Кишилар билан мулоқотда маънавий жиҳатдан бойийсиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги тажрибалар орттириш учун имконият туғилади. Лекин ҳамкасблар билан муносабатда келишмовчилик бўлиши мумкин. Шанба ва яқшанбада эркин бўлинг. Дам олишингиз марокли ва мазмунли кечади.

Чаён Ҳафтанинг биринчи ярмида муҳим ишлар билан банд бўласиз. Душанбада хомхаёлларингиз барбод бўлиб, амалий ва қатъий қарорга келасиз. Сешанба куни ойнаинг энг омадди куни бўлади. Чоршанба куни мансабда юқори поғонага кўтарилишингиз мумкин. Пайшанба ва жумада жамоа билан боғлиқ иш ҳақида қизиқарли таклифларни оласиз. Яқшанба куни йўлда эҳтиёт бўлинг.

Уқотар Ушбу ҳафта сиз учун йилнинг энг яхши ҳафтаси бўлиб қолиши мумкин. Касбингиз, шахсий муносабатлар, ҳаётингизда ўзгаришлар содир бўлади. Сешанба ва чоршанбада бирмунча ўзгаришлар бўлади. Жума куни ҳаётингизни ўзгартириб юборишга қодир бўлган имкониятлар юзага келади. Шанбада романтик муносабатлар кўнгилдагидек кечади. Яқшанбада эса қутилмаган совғалар оласиз.

Тоз эчкиси Душанба куни энг зарур ишлар билан шуғулланманг. Майда муаммоларни четга суриб қўйинг. Сешанбадан жиддий муаммоларни ҳал қилишга киришсангиз бўлади. Керакли одамлар билан учрашингиз ва иш ҳақи олишингиз мумкин. Жумагача муҳим қарор қабул қилишингиз мумкин. Шанба ёқимли машғулотлар ўтказиш ва дам олиш куни. Яқшанбада тушгача бирор буюм харид қилишингиз мумкин. Тушдан кейин пул сарфламанг.

Ковға Фақат душанба куни озроқ йўқотиш бўлиши мумкин. Бошқа кунлари эса ўсиш, ўсиш, ўсиш. Сешанба, чоршанба кунлари барча муаммолар осон ҳал бўлади. Интиқ кутган орзуларингизга эришасиз. Пайшанба ва жума кунлари ўз бурчингизни адо этинг. Соғлигингизга эътибор қилинг. Шанба оқшоми хайрли кечади. Яқшанбада совғалардан хурсанд бўласиз.

Балиқ Ҳафтанинг биринчи ярмида ташвиш кўп бўлишига қарамай, ўзингизни анча яхши ҳис қиласиз. Чоршанба куни зарур адабиётлар, ҳужжатларни оласиз. Алоқа воситалари, техника, автомобиллар сотиб олишингиз мумкин. Пайшанба маъмурий масалаларни ҳал қилиш учун қулай. Шанба кундаги учрашувда мезон бузилади, бу сизнинг соғлигингиз ва руҳий ҳолатингизга бироз салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғирок қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Маъдиев Навбатчи - А.Юнусов Мусахҳиҳ - Н.Юлдашев
	МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулов Нафасова, Пиримул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эшонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерли терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босялди. Бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.
		E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru			Буюртма Г— 1315 Тиражи: 7553
					Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -
					Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8